



НУҚУЗ

1997-йил 27-августдан чиқа бoshлаган

www.huquq.uz

2020-Ҳ. 12-МАРТ, №10 (1207)

МЎЙНОҚДА БОШ
ПРОКУРАТУРА
ҲИСОБИДАН
АВТОСТАНЦИЯ
ҚУРИЛДИ.
6-БЕТ

ТЕРГОВ ДАВОМ
ЭТАЁТГАНИДА
ПАЙДО БЎЛГАН
СОБИҚ ХОДИМ
ЎЗ ХИЗМАТИНИ
ТАКЛИФ ҚИЛДИ.
8-БЕТ

КАМОЛОНЛИК
КЕЛИНЧАК
ТУРМУШ
ЎРТОҒИНИНГ
ЖОНИГА ҚАСД
ҚИЛИШИГА
НИМА САБАБ
БЎЛГАН ЭДИ?
9-БЕТ

ТОМА-ТОМА
КЎЛ БЎЛУР
ДЕГАНЛАРИДАЙ,
ОТАНИНГ
ҚАРЗИ 100
МИЛЛИОНДАН
ОШИБ КЕТДИ.
10-БЕТ

ТИББИЁТ
МУАССАСАЛАРИДА
ЖАМОАТЧИЛИК
НАЗОРАТИНИНГ
КУЧАЙТИРИЛИШИ
ЭВАЗИГА БИР ОЙДА
АВВАЛГИСИГА
НИСБАТАН ҚАРИЙБ
1 МЛРД. СЎМ КЎП ПУЛ
КИРИМ ҚИЛИНДИ.
3-БЕТ



АВВАЛИГА
МАЖБУРИЙ
ОБУНА,
ЭНДИ ЭСА

ҚҚС

2-БЕТ



... ҚАШҚАДАРЕЛИК
МУТАСАДДИЛАРГА
ТАНҚИДЛАР КОР
ҚИЛМАЯПТИ...
4-БЕТ



САЙЁР ҚАБУЛДА
«ЁЛЛАНМА» МУРОЖААТЧИ
... АЁЛНИНГ КИМЛИГИ, УНИ
ҚАЙРАБ ЮБОРГАН КИШИНИНГ
НИЯТИ ШУ ЕРНИНГ ЎЗИДА
МАЪЛУМ БЎЛДИ.
5-БЕТ

БИЗ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИМИЗ!!! БИЗ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИМИЗ!!! БИЗ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИМИЗ!!! БИЗ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИМИЗ!!!

ПОРА

Фуқаро Г.Б. 2017 йил июль ойида Чироқчи тумани ҳокимлигига Бойли қишлоғидаги бўш турган лалми ердан 0,5 гектарда иссиқхона ташкил этиш учун қарор чиқариб беришни сўраб мурожаат қилади.

Г.Б.нинг ўғли Х.А. онаси ёзган аризонинг натижасини билиш учун туман архитектура ва қурилиш бошқармаси мутахассиси Т.У.га учрашади. У иссиқхона қурилишини лойиҳалаш учун ер танлаш ҳақида Чироқчи тумани ҳокимининг қарорини чиқариб бериш эвазига 1000 АҚШ доллари сўрайди. Х.А. унга бунча пул беролмаслигини, 750 доллар бериши мумкинлигини айтади. У рози бўлиб, пулни олганидан сўнг ҳужжатларни расмийлаштириб беради.

Аллоҳ севган бандаларигагина вазифа ва ваколат ато этади. Бу вазифанинг қадрига етиш ва унга лойиқ бўлиш лозим. Асосийси, шу ваколатдан фойдаланиб бандаларга

меҳр-муҳаббат кўрсатиш, мурувватли, оқибатли ва адолатли бўлиш керак. Т.У. эса бунинг тескарисини қилди. У ҳаммани ўзи каби кўзини шира босган деб ўйлади. Дунёда зийрак кўзлар, юрт манфаати учун жиноятга қарши мардонавор курашадиган, ҳаром-ҳарошга учмайдиган инсонлар ҳам борлигини унутмаёзганди.

Ўз рўзгорини бут, эл дастурхонини тўкин қилиш ниятида хайрли ишга қўл урган одамга нисбатан тамагирлик қилишгани Х.А.га ёқмади ва бу ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга ариза билан мурожаат қилди. Натижада Т.У.га нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Х.А. суд мажлисида 2017 йил август ойининг охирида Т.У.га 750 доллар берганини, тадбиркорларга ер ажратиш учун ҳеч қандай харажат йўқлигини билганидан сўнг Т.У.нинг ноқонуний иши юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга арз қилганини айтди.

Судланувчи Т.У. ҳам Х.А.дан 750 доллар олганини тан олди. Жиноят оқибатида жабрланувчига етказилган моддий зарар учун 7 084 987 сўм ва маънавий зарар учун 1 000 000 сўм ундириб берилди.

Нафсни жиловлай олиш — яхши фазилат. Унга эрк бериш эса ҳамisha хунук оқибатларга олиб келади.

Баҳриддин АЗИЗОВ,
департаментнинг Чироқчи тумани
бўлими бошлиғи

2020 йилнинг 1 январидан бошлаб Ўзбекистон Солиқ кодекси кучга кирди. Унда юридик ва жисмоний шахсларга солиқ солиш тартибига бир қанча ўзгаришлар киритилган. Хусусан, қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС)ни тўлаш бўйича янги тартибнинг жорий этилгани эҳтимол ишлаб чиқарувчи корхоналарга ҳақиқатан ҳам энгилликлар берар...

Бирок бу тартиб китоб, газета чоп этиши билан шугулланувчи матбаа корхоналари, айниқса, босма нашрлар таҳририятларининг иқтисодий аҳволини оғирлаштиради. Чунки апрель ойдан матбаа, нашриёт ва китоб савдоси хизматлари, шунингдек, босма нашрлар учун ҳам 15 фоиз миқдорда қўшилган қиймат солиғи тўлаш тартиби жорий этилмоқда.

Эски Солиқ кодексига кўра босма махсулотлар (миллий валюта (купюра), китоб, газета ва журналлар (реклама тусидаги босма нашрлар бундан мустасно), дафтарлар ҳамда расм ва чизмачилик альбомлари) қўшилган қиймат солиғидан озод этилган эди. Янги кодексда ушбу имтиёз бекор қилинган.

Янги тартиб эндиликда китоб чоп этилган нашриёт, китоб савдоси билан шугулланганидан тадбиркорлик субъектлари ва газета-журналлар чиқариш билан машғул таҳририятларнинг иқтисодий ҳолатига салбий таъсир кўрсатиши турган гап. Шундоқ ҳам уларнинг аҳволи танг бўлиб турибди. Бу йилкилани тепкилаш билан баробар эмасми?!

Қўшилган қиймат солиғи товарлар, ишлар, хизматларни реализация қилиш жараёнида юзага келадиган пул муносабатлари доирасида янги ҳосил қилинган қийматнинг бир қисмини бюджетга истеъмолчилар ҳисобидан мажбурий тўлов сифатида ундиришди.

Эътибор берган бўлсангиз, қўшилган қиймат солиғи истеъмолчилар ҳисобидан ундирилиши белгиланган. Таҳририятлар эса қилинган обуна учун қўшимча нарх қўша олмайди. Бунинг иложи ҳам йўқ. Демокчи бўлганимиз шунки, жорий йилнинг обуна нархида ҚҚС ҳисобга олинмаган ва бошқатдан обунани ташкиллаштириб бўлмайди. Аммо таҳририят обуначилар олдидаги мажбуриятини бажариши шарт – газетанинг барча сонлари обуначиларга етказиб берилади.

Бу ёқда газетани обуначиларга етказиб берувчи, яъни почта ва бошқа таш-



ҚҚС БОСМА НАШРЛАР ФАОЛИЯТИГА

ҚАНДАЙ ТАЪСИР ҚИЛАДИ?

килотлар ҳамда босмаҳона аллақачон ҚҚСни таҳририятларга юклаш чораларини бошлаб юборган. Кўриниб турибдики, айланиб ҳам, ўргилиб ҳам ҚҚС юки таҳририятларнинг гарданига тушмоқда.

Солиқчилар эса қўшилган қиймат солиғи нашриёт ва таҳририятлар фаолиятига жиддий таъсир кўрсатмайди деб ишонтиришга уринаяпти. Таҳририятлар зарар кўрмаслиги учун газета нархини ошириши лозим. Бирок ўзи обуна мавсуми оғир кечаётган, сотувга деярли чиқарилмайдиган бир пайтда ижтимоий-сиёсий газеталарнинг нархини кўтариш ҳеч қандай фойда келтирмайди, аксинча, обуначиларнинг жиддий эътирозига сабаб бўлади. Бу жараёнга қўл урилса, келаси йил учун уюштириладиган обунага ҳам салбий таъсир қилади. Демак, таҳририятлар 15 фоизлик қўшилган қиймат солиғини истеъмолчилар ҳисобидан эмас, балки ўз ҳисобидан тўлашга мажбур бўлади.

Иқтисодиётнинг бошқа соҳалари, масалан, истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчилар, савдо, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, консалтинг, меҳмонхона бизнеси ва шунга ўхшаш соҳаларни ҚҚСга

тортиш ўзини оклайди. Бирок бу шундоқ ҳам айни кунда иқтисодий жиҳатдан жуда оғир даврни бошидан ўтказаяётган босма нашрлар фаолиятини янада қийинлаштириб, ёпилишига сабаб бўлмайми?!

Ҳозирги вақтда нафақат туман, вилоят, балки республика миқёсидаги айрим нашрлар ҳам ёпилиш арафасида турибди. Ҳатто ўзини ўзи қоплай олмаган бир неча нашрлар ёпилди ҳам. Янги йилнинг дастлабки ойларида қатор газеталар чоп этилмаганидан кўпчиликнинг хабари бор. Бу ҳолат, шубҳасиз, бора-бора маънавий-маърифий ишлар самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади.

Қўшилган қиймат солиғининг таҳририятларга қай тартибда жорий этилиши юзасидан маълумот олиш мақсадида Давлат солиқ қўмитаси матбуот хизматида боғландик. Матбуот хизмати бош инспектори Музаффар Назаров бу ҳақда гапиришга биров эрталигини, негаки бу масалада қўллаб муҳожаатлар бўлаётгани сабабли мазкур ҳолат Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Президентини администрацияси томонидан қайта кўриб чиқилаётганини маълум қилди.

Бош инспекторнинг сўзларидан кўнглимиз биров ёришди. Аммо унинг интиҳоси ҳали номальум.

Бу масаланинг бир томони. Ҳолатни ишлаб чиқарувчилар томонидан туриб, таҳлил қилишга ҳаракат қилдик. Бошқа тарафдан, қўшилган қиймат солиғининг матбаа, нашриёт ва китоб савдоси хизматлари, шунингдек, босма нашрларга нисбатан таъбиқ этилиши уларнинг истеъмолчилари, яъни китобхон ва газет-хонларнинг ҳам қўнтағига зиён. Бу эса китоб ва босма нашрлар ўқувчиларининг сони янама қамайиб кетишига олиб келмайми?

Оқоридагиларни, қолаверса, босма нашрлар давлатимиз сиёсатининг тарғиботчиси эканлигини, уларнинг фуқаролик жамияти шаклланишидаги ўрнини ҳисобга олиб, газета ва журнал таҳририятлари қўшимча қиймат солиғидан озод этилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Камолитдин АСҚАРОВ,
«Ниққ»



АЁЛЛАРГА ЭҲТИРОМ

Бугун мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги роли ва таъсирини кучайтириш, ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилишга қатъи эътибор қаратилмоқда. Ҳар йили 8 март куни аёлларга алоҳида эҳтиром кўрсатилиб, бу сана кенг нишонланади.

Бош прокуратурада ҳам Халқаро хотин-қизлар байрамига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда Бош прокуратура, Ҳарбий прокуратура, «Ниққ» газетаси таҳририяти, Фахрийлар кенгаши, Бош прокуратура ҳузуридаги департамент ва Мажбурий ижро бюроси ходимлари иштирок этди.

Байрамда Бош прокурор Ниғматилла Йўлдошев прокуратура органлари тизимида фаолият кўрсатиб келаётган аёлларни 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни билан қўтлар экан, аёлларнинг шаънига энг самимий тилакларни билдириб, аёллар тенгсиз латофат ва назокат эгаси, эзгулик ва фидойилик, меҳр-оқибат, вафо ва садоқат рамзи, хонадонларнинг файзи эканлиги ҳақида айтиб ўтди.

Президентимизнинг саяҳатлари билан хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги ишлар тараққиётининг янги босқичида мутлақо ўзгача даражага кўтарилганини, хотин-қизларнинг муносиб яшashi ва ишлаши учун қўлай шароитлар яратилаётганини эътироф этди. Шунингдек, тадбирда прокуратура органларида фаолият кўрсатиб келаётган аёлларнинг мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги меҳнатлари, у қайси вазифада бўлишидан қатъи назар, бирдай қадрланишини таъкидлади.

Тадбир якунида хотин-қизларга эсдалик совғалари топширилди.

Ўз мухбиримиз

КОМИССИЯ ҚАРОРИ ИЖРОДА

Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси йиғилиши қарори ижросини таъминлаш мақсадида Фарғона вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси ва ҳар бир тиббиёт муассасаси томонидан йўл хариталари ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Улардаги тадбирлар ва вазифалар вилоят прокуратураси органлари томонидан алоҳида назоратга олинди. Назорат тадбирлари давомида тиббий муассасаларда коррупциянинг олдини олиш ва шаффофлиқни таъминлаш мақсадида 71 та кузатув камераси ўрнатилди ҳамда 249 та ахборот бурчаги ташкил қилинди. Пулли тиббий хизмат кўрсатишдан тушган маблағларнинг кирим қилиниши устидан назорат кучайтирилди, ҳар бир муассасада жамоатчилик назорати йўлга қўйилди. Натижада 2020 йил январь ойида 2019 йил декабрь ойига нисбатан 996 млн. сўм қўп пул кирим қилинишига эришилди.

Шу билан бирга, ўрганишларда айрим тиббиёт муассасалари мансабдорлари пулли хизмат кўрсатишдан тушган маблағларни талон-торож қилгани аниқланиб, иккита жиноят иши кўзга-тилди ва жавобгарликнинг муқаррарлиги таъминланди.

Дори-дармонлардан тўғри фойдаланилиши тахлил қилинганда 44,6 млн. сўмлик камомад, 491 млн. сўмлик эҳтиёждан ортиқча дорилардан фойдаланилмаётгани, 7,4 млн. сўмлик дорилар тўғри ишлатилмасдан йўқ қилингани аниқланиб, жойларга 9 та тақдимнома киритилди, 10 нафар шахс интизомий, 10 нафари эса маъмурий жавобгарликка тортилди.

Аҳолининг репродуктив саломатлигини сақлаш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, юқумли касалликларнинг олдини олиш ҳар бир туман ва шаҳардаги оилавий ҳамда қишлоқ врачлик поликлиникаларида ўрганилмоқда. Ҳозирги кунга қадар аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш бўйича жойларга 6 та тақдимнома киритилди, 14 киши интизомий жавобгарликка тортилди, 582 та юқумли касаллик ўчоғида дезинфекция тадбирлари ўтказилди.

Муассасаларда 7,5 млн. сўмлик 188 кг. гўшт ветеринария маълумотномаси ва хулосасисиз, 2,3 млн. сўмлик 84 кг. озиқ-овқат истеъмол муддати

ўтган ҳолда сотиб олингани, 2 та тарози қиёсволдан ўтказилмагани аниқланиб, ушбу камчиликлар бартараф этилиши таъминланди.

Тиббий-мехнат экспертиза комиссияларидаги коррупция ва сансалорликнинг олдини олиш учун ҳудудда ногиронлик муддати тугаган 743 кишига қайта ногиронлик белгиланиши масаласи қонунда кўрсатилган тартибда кўриб чиқилиши назоратга олинди.

Ўрта тиббиёт ходимларини тўлиқ ставкага ўтказиш бўйича барча муассасалар томонидан йиллик иш режаси тасдиқланди, натижада 0,25 ставкадаги ходимлар сони 177 нафарга, 0,75 ставкадаги ходимлар сони 82 нафарга камайишига эришилди. 3 та тиббиёт муассасасида шпарт-смета ҳужжатларининг тўғри тузилгани ўрганилиб, 70 млн. сўмлик бюджет маблағи нотўғри сарфланишининг олди олинди.

70 млн. сўмлик бюджет маблағи нотўғри сарфланишининг олди олинди.

Бундан ташқари, вилоятда сурункали алкогольизм, гиёҳвандлик ёки захарвандликка мубало бўлган ҳамда рухий-асаб касалликлари билан назоратга олинган беморларнинг рўйхати тузилиб, уларнинг 140 нафари даволаш учун ётқизилди, 3582 нафарига тиббий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, узок вақт хорижда бўлиб қайтган 5255 киши тиббий кўриқдан ўтказилиши таъминланиб, уларда аниқланган касалликларни даволаш чоралари кўрилди.

Вилоят прокуратураси органлари тиббий хизмат сифатини ошириш ва соҳада коррупциянинг олдини олиш борасидаги тадбирларни давом эттирмоқда.

Шамсиддин ТУРДАЛИЕВ,
Фарғона вилояти прокурорининг ўринбосари



ТРАНСПОРТ ПРОКУРОРИ ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА

Прокуратура органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари билан ишлашни такомиллаштириш, фуқаролар билан мулоқотни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунга кўра республика транспорт прокурори Маъруфхон Ходжаев ИИВ Транспортда хавфсизликни таъминлаш бош бошқармаси бошлиғи, полковник Рустам Тошпўлатов ҳамроҳлигида Фарғона водийсига борди.

Таширф давомида транспорт прокурори Маъруфхон Ходжаев ёш темирйўлчилар ва Кўкон темирйўл транспорти касб-хунар коллежи ўқувчилари билан биргаликда темирйўл корхоналари фаолияти билан танишди. Ёшлар ушбу корхоналардаги ишлаб чиқариш жараёни бўйича тасаввурга эга бўлишди.

Транспорт прокурори «Кўкон минтақавий темирйўл узели» унитар корхонасида темирйўл тизими ходимлари учун ташкил этилган «Ўқув маркази»да ҳам бўлди. Марказда корхоналарнинг фаол ёшлари билан мулоқот ташкил этилди.

Тадбир сўнггида Маъруфхон Ходжаев тизимда самарали фаолият олиб бораётган 40 нафар ёш темирйўлчи ва коллеж ўқувчиларига китоблар совға қилди.

Джахангир САЛИХАНОВ,
Ўзбекистон Республикаси транспорт прокурорининг катта ёрдамчиси

JARAYON

ЗАРАР КЕЛТИРГАН МУШТ

Давлат ижрочиларига фаол қаршилик кўрсатган қарздорларга нисбатан озодликдан маҳрум этишгача бўлган қонуний чоралар кўрилмоқда.

Фуқаролик ишлари бўйича Риштон туманлараро судининг фуқаро М.М.дан вояга етмаган фарзандининг моддий таъминоти учун даромадининг тўртдан бир қисми миқдориди алимент ундириш ҳақидаги қарорига асосан ижро иши юритилган. Давлат ижросисы М.Б. туманнинг «Учариқ» МФЙда у билан кўришиб, алиментдан қарзини тўлаши лозимлиги, акс ҳолда маъмурий жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳланган. М.М. давлат ижросисини ҳақоратлаб, уриб, ўнг елкасини синдирган ва бошқа жароҳатлар етказган.

МИБнинг Риштон тумани бўлимида ташкил этилган сайёр суд мажлисига оммавий ахборот воситалари вакиллари таклиф қилинди. Судда алимент тўлашдан бўйин товлаб юрган қарздорлар иштирокида М.М.га нисбатан кўзга-тилган жиноят иши кўриб чиқилди. Муштурмўр қарздорга олти ой озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.

Акмалжон АКБАРАЛИЕВ,
МИБнинг Фарғона вилояти бошқармаси бўлим бошлиғи



ВАКОЛАТИ БЎЛМАСА-ДА...

Баъзилар қандай қилиб бўлса-да бировлардан пул ундириш пайида бўлади. Бунинг учун тап тортмай ёлғон сўзлайди. Урганчилик Б.Х. ҳам шундайлардан экан. Бир куни у хонқалик таниши Ш.М.ни учратиб қолди. Ш.М. уй олиш истаги борлигини билдирди. Аммо у олмоқчи бўлган уй нотуражой бўлиб, эгаси туражойга қандай айлантиришни билмай юрган экан.

— Буни мана мен қилиб бераман-да, — деди Б.Х. — Урганчида ҳам, Хонқада ҳам кадастрда та-

нишларим бор, дарров ҳужжатларини тўғрилаб беришади.

Шу тариқа Б.Х. Хонқа тумани кадастр бўлимига бориб, нотуражой қандай тартибда туражойга айлантирилиши ҳақида маълумот сўради. Шундан сўнг танишини билгач, ариза билан муурожаат қилди. Шу тариқа Б.Х. ўз ваколатига кирмайдиган иш учун танишини алдаб, 10 миллион сўм пулини қўлга киритган пайтида ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан қўлга олинди.

Унга нисбатан жиноят иши кўзга-тилди. Иш судда кўрилиб, у жазога тортилди.

Бунининг одамлари кечагидек содда эмас. Олиб борилаётган тарғибот натижасида ўз ҳуқуқини англаб етмоқда.

Унга нисбатан жиноят иши кўзга-тилди. Иш судда кўрилиб, у жазога тортилди.

Бугуннинг одамлари кечагидек содда эмас. Олиб борилаётган тарғибот натижасида ўз ҳуқуқини англаб етмоқда.

Давронбек КУРБАНОВ,
Хонқа тумани прокурори

Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига асосан, жорий йил 14-15 март кунлари мамлакатимиз бўйлаб «Обод юрт» умумхалқ ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш хайрия ҳашари ўтказиладиган бўлди.

ТўРТ ТАНҚИД ТЎҚМОҒИ ТЕГМАДИМИ?

2019 йили газетамизда Қарши шаҳридан тўртта танқидий материал эълон қилинган эди. Мутасаддилар мазкур чиқишларнинг атиги биттасига, яъни 28 февраль сонида босилган «Қоғозда қолган лойиҳа» мақоласига муносабат билдиришди, холос. Ушбу жавоб ҳам жойига бориб, масаланинг моҳиятини ўрганмасдан, номига берилган эди. Бу ҳақда газетамизнинг 16 май сонида ўз фикримизни баён қилганмиз.

Газетамизнинг ўтган йил 7 февраль сонида чоп этилган «Йўналишсиз таксилар қатнови нега тўхтади?» сарлавҳали фотоайбномада шаҳардаги «Мағзон» МФЙ ҳудудидаги йўллар ўйдим-чуқурлиги сабабли йўналишсиз таксилар мазкур маҳаллага қатнамаётгани танқид қилинган эди. Бу танқидий чиқишимизга Қарши шаҳар ҳокимлиги мутасаддилари ҳеч қандай муносабат билдирмади.

Газетанинг 20 июнь сонида «Газ, қарз ва арз» сарлавҳали мақола босилиб, унда «Жанубгазтаъминот» унитар корхонаси мутасаддилари Қарши шаҳрида яшовчи деярли барча истеъмолчиларнинг бўйнига асоссиз равишда пеня деган «юкони осиб қўйишга» шунингдек, истеъмолчилардан миллионлаб сўм нореал қарзлар ундириляётгани, аслида мазкур корхона истеъмолчилар билан шартнома тузмагани асосли мисоллар билан танқид қилинган эди. Бироқ, афсуски, газетанинг бу чиқишига ҳам мутасаддилар ҳеч қандай муносабат билдирмади.

Шунингдек, газетамизнинг 7 ноябрь сонида «Отчопарнинг йўлларида от чопса

ҳам қоқилади» сарлавҳали мақола чоп этилиб, унда Қарши шаҳридаги «Отчопар» МФЙ 2018 йилги «Обод маҳалла» дастурига киритилгани, лекин амалда маҳалла ободлиги учун деярли ҳеч нарса қилинмагани, аслида дастурга киритилган маҳаллаларда газ, электр ва сув таъминоти қандайлиги мутасаддилар томонидан қараб чиқиши кераклиги, йўллар, пиёдалар йўлаклари таъмирланиши лозимлиги, Халқлар дўстлиги кўчасининг вилоят кўп тармоқли болалар шифохонаси олдидаги ўтган қисми ёзда чанг, қишда лой эканлиги, мазкур йўлнинг кўприги эса авария ҳолатидалиги танқид қилинган эди.

Мазкур кўчада деярли ҳеч иш қилинмади, пиёдалар йўлаги қуриш ҳақида ҳатто йўлаб ҳам кўрилмади. Ваҳоланки, «Отчопар» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида ўн уч ярим минг киши яшайди. Эски кардиология шифохонасининг ўрнига 5-оилавий поликлиника кўчиб келаяпти. Кўп тармоқли болалар шифохонасининг орқа томонида туғруқхона ва бошқа тиббий муассасалар қуриляпти. Ушбу муассасаларга қанчадан-қанча бе-



морлар, уларнинг орқасидан яқинлари қатнайди. Қишда пиёдалар йўлагисиз тор йўлдан одамларнинг қатнашини тасаввур қилиб кўринг.

Йўллар – мамлакатимиз иқтисодий-етининг «қон томир»лари. Йўл қуриш – савоб иш. Шу боис мамлакатимизда шаҳарларимиз йўлларини ободонлаштириш, дилларни дилларга боғловчи янги кўприклар бунёд этишга катта эътибор қаратилмоқда. Сўнгги йилларда мамлакатимиз пойтахти ва бошқа шаҳар ва қишлоқларда бу борада қилинган ишларни кўриб завқланасан киши. Бироқ қашқадарёлик йўлсозларнинг ишлари ҳақида бундай дейишга ҳали эрта. Қарши шаҳрининг ички йўллари, вилоят марказини туманлар билан боғловчи йўлларни кўриб, шундай хулосага келиш мумкин (Қарши – Шаҳрисабз йўли бундан мустасно).

Қарши – Тошкент йўлининг Самарқанд вилояти чегарасигача бўлган қисмида юрсангиз, ичингиз тўқилмай дейди. Бундан бир неча йил илгари вилоятимиз йўллари бошқа вилоятларнинг йўлларига қараганда анча яхши ҳисобланарди.

Баъзан йўлаб қоласан киши. Биронта

машина харид қилсак, йўл фондига отнинг калласидай пул тўлаймиз. Бензин ёки газ харид қилсак ҳам йўл фондининг улушини ушлаб қолишди, шунча маблағ қаёққа кетаётган экан?

Масъулият унутилган, ишончга панжа орасидан қаралган жойда кўзбўямачилик, ўзбошимчилик авж олади. «Қашқадарёвий» тизимдаги йўлсозлар йигит кишининг ризки йўлда сочилган бўлади деган нақлни балки нотўғри тушунишга тандир?

Бир пайтлар танқидий чиқишларимизга мутасадди раҳбарлардан жавоб ололмасдан хуноб бўлганимизда «энди раҳбар одам, шунча ташвиш бор, улгурмаган-да» деб ўзимизни овутардик. Бугун эса Қарши шаҳар ҳокимлигида ва мазкур алоқадор бошқа давлат башкилотларида ҳам ахборот хизмати ташкил этилган. Кўплаб ахборот хизматлари ижтимоий тармоқларда қолдирилган кичкинагина эътирозли постга, ҳатто аноним мурожаатларга ҳам муносабат билдираётган бир пайтда улар нега тўрт йирик муаммо таҳлилига бефарқ қарашмоқда?!

Норбўта ҲОЗИЕВ, «Нусиқ»

FAOLYAT

ҲАР БИР ЖИНОЯТ МУҲОКАМА ҚИЛИНАДИ

Бугун қайсидир муаммоси ҳал қилинаётганига гувоҳ бўлаётган фуқаролар прокурор сектори фаолиятдан мамнун. Қолаверса, жиноятларнинг олдини олиш, ҳукукбузарликлар профилактикаси бўйича туман ҳокимлиги, ИИБ, ДСИ, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа идоралар билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Сектор ҳудудида содир этилган ҳар бир жиноят ўша кунни ёхуд эртаси кундан кечиктирмасдан туман ИИБ ва бошқа мутасадди идораларнинг масъул ходимлари иштирокида жойига чиқиб муҳокама қилинади. Унда асосий эътибор жиноятнинг сабабини аниқлаш ва бартараф этишга қаратилади.

2019 йилда 2-сектор ҳудудида 14 та жиноят рўйхатга олинган. Маҳаллалар бўйича таҳлил қилинганда, «Ибн Сино» МФЙда 6 та, «Садир» МФЙда 7 та, «Пешку» МФЙда эса 1 та жиноят содир этилган. Умумий ҳисобда жиноятлар 2018 йилга нисбатан 10 тага камайишига эришилган. «Қамолот» ва «Гулистон» МФЙда битта ҳам жиноят содир этилишига йўл қўйилмаган.

Бундан ташқари, ушбу даврда вояга етмаганлар ва ишсизлар томонидан жиноят содир этилишига йўл қўйилмагани профилактик тадбирлар самарасидир.

Туман прокуратураси суриштирув ҳамда дастлабки тергов органларида жиноятлар бўйича ариза ва хабарларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, кўриб чиқиш, терговга қадар текширув, тергов ва суриштирув ўтказишда қонунларга қатъий

амал қилиниши устидан ҳам доимий назорат ўрнатган.

Жумладан, 2019 йили туман ИИБ ҳузуридаги тергов гуруҳига 5 та жиноят иши аввалиги йилдан ўтган бўлса, 101 та жиноят иши юритувга олинган, уларнинг 68 таси юзасидан тергов ва суриштирув тамомланган бўлиб, шундан 49 таси айблов хулосаси, айблов далолатнома, тиббий йўсиндаги мажбурият чорасини қўллаш ҳақидаги қарор, ярашув ва амнистия ақтига асосан жиноят ишини тутатиш тўғрисидаги қарор билан судга юборилган.

Судга юборилган ишлар бўйича 65 нафар шахнинг жиноий ҳаракатига ҳуқуқий баҳо берилган бўлса, 19 та жиноят иши тутатилган.

Ўтган йили жиноят иши юзасидан айбланувчиларга қамқов билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чоралари қўллашга устувор аҳамият берилиб, 14 кишига гаров, 20 нафарига шахсий кафиллик, 18 нафарига эса муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат эҳтиёт чораси қўланган.

Жиноят ишлари бўйича 728 млн. 837 минг сўмлик моддий зарар етказилгани аниқланиб, дастлабки терговда 682 млн. 837 минг сўмлик зарар ундирилган.

Бундан ташқари, йил давомида 48 та жиноят иши бўйича корхона, муассаса ва ташкилотларга тақдимнома киритилиб, жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиниши таъминланган, оммавий ахборот воситаларида 17 марта чиқиш қилинган.

Шухрат ХИКМАТОВ,
Пешку тумани прокурори

SEKTOR FAOLYATI

САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРНИНГ АМАЛИЙ НАТИЖАЛАРИ

Бугунги кунда Тошкент вилояти туман ва шаҳарларидаги прокурорлар секторлари 255 та фуқаролар йиғинини қамраб олган. 2019 йилда уйма-уй юриш давомида аниқланган 6664 та муаммо бартараф этилди. Масалан, Бекобод шаҳар «Маданият» МФЙда истиқомат қилувчи Т.Ўришбоевага уйини қайта қуришда ёрдам кўрсатилган. Қуйи-чирчик тумани «Тинчлик» МФЙдаги икки қаватли уй таъмирланиб, 14 та мухтож оилага берилган.

Чиноз тумани Аҳиллик маҳалласи Марварид кўчасида ҳамда Наврўз маҳалласи Мингўрик кўчасида яшовчи фуқароларнинг тоза сув таъминоти билан боғлиқ муаммоси ҳал этилди.

Зангиота тумани «Найман» МФЙ Гиштчилар кўчаси 49-уйда яшовчи Ботир Сулдиева, Нурафшон шаҳар «Обод турмуш» МФЙ Шон-шухрат кўчасида яшовчи уч нафар ногирон фуқарога аравачалар берилди.

Шу билан бирга, ижтимоий ва бошқа объектларда аниқланган 4513 та муаммо бартараф этилган. Масалан, Тошкент тумани «Авлиёбота» МФЙдаги 23-қишлоқ оилавий поликлиникаси тўлиқ таъмирланган.

Пискент тумани «Кўдота» МФЙнинг Халқберди, Еттибой, Машак ва Қўлбоши кўчаларига электр таъминоти яхшилаш учун янги трансформатор ҳамда бетон устун-

лар ўрнатилган. Оҳангарон шаҳри «Намуна» МФЙ ҳудудидаги Хўжабаланд канали бетонлаштирилиб, атрофи ободонлаштирилган.

Вилоятдаги прокурорлар секторларида Президентнинг бешта ташаббусини рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Окқўрғон туманида «Шоҳрухия текс» МЧЖ фаолияти йўлга қўйилган. Мазкур цехга 12 та замонавий тикувчилик дастгоҳи ўрнатилиб, 25 та янги иш ўрни яратилди.

Нурафшон шаҳридаги 4-мактаб реконструкция қилинишига ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, мактабга 600 та бадиий китоб совға қилинди ва мини-футбол майдони қуриб берилди.

Паркент тумани «Қайилма» МФЙдаги Тонг кўчасида кутубхона ташкил этилишига ёрдам кўрсатилди.

Вилоятдаги прокурорлар секторларида аниқланган муаммоларни ҳал этиш, тадбиркорликни ривожлантириш ва ҳукукбузарликларнинг олдини олишга қаратилган йўл хариталари ишлаб чиқилиб, халқ депутатлари кенгашлари сессияларида уларнинг ижроси юзасидан сектор раҳбарларининг ҳисоботини эшитиш амалиёти йўлга қўйилган.

Сардор ХАСАНОВ,
Бош прокуратура бошқарма прокурори

САРҲИСОБ ВА ТАҲЛИЛ

Ҳар қандай ўзгариш ва янгиланишлар жараёнида одамларни қўйнаётган муаммоларни ҳал этиш, уларга кўмақдош бўлиш муҳим аҳамият касб этади.

Бугун юртимизда фуқароларнинг мурожаатлари билан боғлиқ барча масалалар конституциявий меъёрлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солиб келинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасида «Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт» дейилган.

2017 йил 11 сентябрда қабул қилинган «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунда давлат органларига мурожаат қилишда барча тенг ҳуқуқли экани белгилаб қўйилди. Мазкур қонун ижроси юзасидан Бош прокуратура томонидан доимий назорат ўрнатилган. Мурожаатлар билан ишлашда асосий эътибор уларнинг қонунда белгиланган муддатда, ҳар томонлама ва ҳолисона кўриб чиқилишини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши қаратилган.

Прокуратура органларига 2019 йилда 494 249 та мурожаат келиб тушган. Уларнинг 313 230 таси бевосита прокуратура органларида ҳал этилган. Шу жумладан,

кўрилган чоралар натижасида 46 188 нафар шахсларнинг ҳуқуқлари тикланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал ва халқ қабулхоналаридан (pm.gov.uz) прокуратура органларига юборилган 100 645 та мурожаат кўриб чиқилган ва мазмунан ҳал этилган.

Прокуратура органлари ходимлари томонидан республика бўйича 323 608 нафар фуқаро ва юридик шахсларнинг вакили қабул қилинган. Шундан 111 135 нафари шахсан прокурорлар, 75 722 нафари прокурор ўринбосарлари қабулда бўлган.

Маълумки, видеоконференцалоқа воситаси орқали ҳам мурожаат қилиш мумкин. Ўтган йили 193 киши видеоконференцалоқа воситасида қабул қилинган.

Таъкидлаш лозимки, давлат органларининг раҳбарлари иштирокида ўтказилаётган сайёр қабулларда фуқароларнинг кўп йиллардан бундан ўзичини топмаётган муаммо ва таклифлари жойида ҳал этиб келинмоқда. Шахсан Бош прокурор томонидан 1 953 нафар (шундан сайёр қабулда 1 760 нафар), Бош прокурор ўринбосарлари томонидан 10 031 нафар (шундан сайёр қабулда 9 929 нафар) жисмоний ва юридик шахс қабул қилинган.

Энг асосийси, сайёр қабулларда муаммоларни вилоят, туман, шаҳар даражасида ўша жойнинг ўзида ҳал этиш чоралари кўриляпти.

ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН	
<p>Прокуратура органларига 494 249 та мурожаат келиб тушган.</p> <p>313 230 таси бевосита прокуратура органларида ҳал этилган.</p> <p>46 188 нафар шахсларнинг ҳуқуқлари тикланган.</p> <p>323 608 нафар фуқаро ва юридик шахсларнинг вакили прокуратура ходимлари қабулида бўлган.</p>	<p>193 киши видеоконференцалоқа воситасида қабул қилинган.</p> <p>Сайёр қабулларда 1760 нафар жисмоний ва юридик шахс</p> <p>9929 нафари бош прокурор ўринбосарлари томонидан қабул қилинган.</p> <p>Бош прокурор,</p>

Таъкидлаш лозимки, фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқини амалга оширишнинг самарадорлигига давлат ҳокимияти идораларига бўлган ишонч, давлат ҳокимияти органларининг жисмоний ва юридик шахс манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятига оид ахборотнинг очиклиги каби жиҳатлар таъсир этади. Эндilikда мурожаатчиларнинг ўзи ҳам ҳуқуқий саводхонлигини оширган ҳолда масъулияти бўлиши талаб қилинади. Бу эса мурожаатларни кўриб чиқишда юзага келиши мумкин бўлган айрим нуқолай вазиятларнинг олдини олиш имконини беради.

Ҳозирги кунда ҳар бир давлат органи ва идораларда мурожаатлар билан ишлаш тизимида электрон ҳужжатлар айланмаси, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари қўлланмоқда. Натижада иш унумдорлиги ошаётти. Бу эса аҳоли муаммоларини қисқа муддатларда ҳал қилиш имконини бермоқда.

Зшмурод ЖўРАЕВ,

Бош прокуратура бошқарма бошлиғи



Сайёр қабул. Бу сўзнинг луғатимизга кириб келганига тўрт-беш йил бўлиб қолди. Ўтган вақт давомида барча даражадаги раҳбарлар ўтказаетган сайёр қабулларда жуда кўп муаммоларга ечим топилмоқда. Муддат талаб қиладиган мурожаатлар ҳам қонун доирасида ҳал қилинди.

САЙЁР ҚАБУЛДА «ЁЛЛАНМА» МУРОЖААТЧИ

Мурожаатларни ўз вақтида кўриб чиқилиш, пировардида адолатни қарор топтиришга айрим раҳбар ва мансабдорлар масъулият билан ёндашади. Айримлари эса...

Фуқаролар-чи? Улар ўз ҳуқуқ ва бурчларини англаган ҳолда мурожаат этадими? Мурожаат қилиш тартибига риоя қиладими? Ана шу саволларга жавоб топши мақсадда кўп эмас, учта сайёр қабулга бордим.

Сайёр қабул бошланишига ярим соат бор. Айтилган жойга тумонат одам йиғилган. Айримларини танитман, баъзиларини йўқ. Ўзи аслида муаммо менда ҳам бор. Лекин уни қабул ўтказаетган раҳбарларга айтишга гурурини йўл қўймайди. Нега дейсизми? Чунки муаммомни ўзим яқинларимнинг озгина кўмағида ҳал қилишим мумкинлигини жуда яхши биланман.

Қабулга келган фуқароларни кузата бошладим. Келганларнинг аксарияти аёллар. Арча ёнида турган икки кишининг суҳбати эътиборимни тортиди.

– Тўғри тушуниш, янги қурган иморатингиз кўча юзига чиқиб кетган. Уни ҳужжатлаштириб бўлмайди. Бир ҳафта олдун бошқа иморатларингизни ва томоркангизни ўлчаб, ҳужжатлаштириб бердим-ку. Янги иморатингизнинг кўча-

га чиқиб кетган томонини бузишингиз керак. Бундан бошқа йўли йўқ.

– Нега энди бузарканман? Мендан кейинги иккита кўшнимнинг уйини ҳам буздиринг унда. Шундан кейин уйимни бузиш ёки бузмаслигимни ўйлаб кўраман. Мен билмайман, ҳозир ҳокимнинг қабулига кираман. Қандай бўлмасин янги уйимни ҳам ҳужжатлаштириб берайсиз. Бу сизнинг вазифангиз.

– Бу нима деганингиз, опа? Кўшиларингиз уй қуришдан олдун келиб биздан қаердан, қай тартибда уй қуриш мумкинлигини сўраган. Бизнинг чизмаларимиз асосида қурилишни бошлаган. Сизчи, шундай катта иморат қуракансиз, келиб бир оғиз сўрасангиз бўларди-ку. Қуришдан аввал ўзбошимчилик қилиб, энди муаммони бизга ағдарганингиз нимаси? Аввал сиз бўйингиздаги вазифани қонуний бажариб қўйинг. Ундан кейин мен вазифани бажараман...

Қабулга келганлардан бири «отам онамдан сўрамай томоркамизнинг ярмини маҳалла раиси билан сотиб юборган. Отам ўзи бировларнинг пулини олиб еб кетадиган одам» деса, яна бирови «укам давлатнинг еридан фойдаланиб келаяпти, ундан фойдаланаетган ерини захирага қайтариб олингангизни сўрайман» деб мурожаат қилди. Тўғриси, буларни

ўз кўзим билан кўрмаганимда ҳеч қачон ишонмасдим. Наҳотки ота-оналаримиз, ака-укаларимизга бўлган меҳримиз шу даражада бўлса? Ака-укаларнинг муносабатини ўртада турган аёллар бузаяпти дerseniz, аммо емай едирган, гўдақлигидан катта қилган ўз отаси ҳақида мурожаат қилган аёлни қандай тушуниш мумкин?!

Ёнимда ўтирган икки кишининг суҳбатини қаранг; бу борада нима дейишга ҳам ҳайрон қоласан киши.

– Менга қара, нега энди фақат у фермер бўлиши керак? Ўша жойни биз ҳам обод қилишимиз мумкин. Нима, ҳамма нарсани бир ўзи еб этадими? Бундай бизга ҳам берсин-да.

– Гапинг тўғри-ю, фақат бир томони бор-да. Ўша жойлар ўн йил қаровсиз, ажриқ босиб ётганда ишлаш, ўша жойни обод қилиш бизнинг ҳам хаёлимизга келгани йўқ-ку. Энди фермер кўшимиз у жойни обод қилиб, фойда кўргунча қўқайи кесилганини билиб туриб келишимиз сал ғалатиноқ бўлдимиз дейман-да.

– Нима, энди виждонинг уйғониб қолдими? Ҳеч нарса қилмайди. Раҳбарларга айтсак бўлди. У жойнинг ярмини бизга беришади. Ўзи...

Шу пайт дарвозадан шовқин-сурон билан кириб келган аёлнинг дағдағаси йиғилганларнинг эътиборини тортиди.

– Бу давлатда ҳақиқат, адолат борми ўзи? Қийналиб қурган уйимни бузишга кимнинг ҳақки бор? Қани ўша ҳоким? Туғилганига пушаймон қилдираман. Менинг совунимга кир ювмабди хали. У жойни олгунча, янги иморат қургунча қанча қийналганимиз? Иморатимиз хали битмасдан туриб уни буздирадиганлар чиқиб қолибди.

Аёлнинг сўзларини эшитиб, тўғриси, унга ачиндим. Юртбошимиз ишонган раҳбарларнинг ҳаракатидан дилим оғриди. Гарчи танимасам-да ўша аёл билан суҳбатлашиб, бироз бўлса-да дардига

малҳам бўлишни кўнглимга тугиб қўйдим. Бирок...

Аёлнинг дардини, нордон сўзларини обдон тинглаган раҳбар унга сўнги сўзни айтди. Аслида бу аёлнинг ҳеч қасрда томорқаси йўқлиги, у ҳеч қандай иморат ҳам қурмагани, фақатгина кимнингдир сўзига кириб, тўғрироғи кимдандир манфаатдор бўлгани сабабли сайёр қабул ўтказаетган раҳбарларнинг бирини обрўсизлантириш мақсадида келгани аниқланди. Аёлнинг қимлиги, уни қайраб юборган киши кимлиги шу ернинг ўзида маълум бўлди. Қабулдаги икки оғиз суҳбат давомида муштираб аёл нима мақсадда келганини айтди-қўйди. Уни «қўйтиб» сайёр қабулга юборган киши ҳам бир ташкилотнинг раҳбари эканлиги сабабли жуда очикчасига ёзишга андиша қилдим.

Одамларнинг дардини эшитиш, оғирини енгил, мушкулни осон қилиш аҳолининг давлатга, эртанги кунга ишончини мустаҳкамлайди. Сайёр қабулларда ёки бошқа кунларда ҳам фуқаролар берган ариза, таклиф ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатда кўриб чиқилиши шартлиги белгилаб қўйилган. Бирок айрим фуқароларнинг мазмунсиз ариза йўллаши, қайта-қайта, ўринсиз мурожаат қилишлари ҳам ҳеч биримизга сир эмас.

Сайёр қабулда қатнашиб кўпчиликнинг мурожаат қилиш маданиятидан буткул беҳабарлигини англадим. Тўлиқ тушунамдан, сўраб-суриштирмасдан қилинган биргина мурожаат учун жуда кўп одам овора бўлишига гувоҳ бўлдим. Мурожаат қилиш, муаммони айтиш менинг ҳуқуқим деб билган ҳамюртларимиз ўз бурчларини ҳам тўлиқ англаб етса мақсадга мувофиқ бўларди.

Нигина ШОЕВА,
журналист



Хидир КАРИМОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси прокурори

ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАР ҲИМОЯСИ ЙЎЛИДА

– Хидир Саматович, аввало Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси органлари ўтган давр мобайнида қилган ишлар хусусида гапириб берсангиз.

– Бугунги даврга келиб мамлакатимизда бутунлай янги, яъни давлат органлари халққа хизмат қиладиган, барча раҳбарлар аҳоли олдида ҳисобот берадиган тизим жорий этилди. У биринчи навбатда мазкур органлар фаолиятида ошкораликнинг таъминланишига замин яратса, иккинчи томондан уларнинг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш имконини беради.

Республика прокуратураси органлари ўтган бир йил давомида қонунлар ижроси юзасидан ўтказган текширишлар натижасига кўра 3800 дан ортиқ прокурор назорати ҳужжатларини қўллаш орқали қонунбузилишлар бартараф этилиб, мансабдорларнинг қонунга зид мингдан ортиқ ҳуқуқий ҳужжати қонунга мувофиқлаштирилди. 4351 кишининг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Аҳолининг ҳуқуқий билим ва маданиятини юксалтиришга қаратилган тадбирлар натижасида умумий жиноятчилик 4,9 фоиз камайишига эришилди.

– Фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқларини таъминлаш борасида қандай ишлар қилинди?

– Бу борада ўтказилган текширишларда 537 нафар шахснинг бузилган ҳуқуқи тикланиб, аниқланган қонунбузилишларни бартараф қилиш тўғрисида 147 та тақдимнома киритилди. Қонунга зид ҳужжатларни қонунга мувофиқлаштириш тўғрисида 270 та протест келтирилди. Натижада 452 нафар шахс интизомий, 652 нафари маъмурий жавобгарликка тортилди. Масалан, соғлиқни сақлашга оид қонунчилик ижроси юзасидан ўтказилган текширишлар натижасида 38 та тақдимнома ва 53 та протест киритилиб, 422 киши интизомий, 95 киши маъмурий жавобгарликка тортилди. Етказилган 19 млн. 511 минг сўмлик зарар қопланиб, 10 нафар шахснинг бузилган ҳуқуқлари тикланди ва 1 та жиноят иши қўзғатилди.

Аҳолининг эҳтиёжманд қатламини қўллаб-қувватлаш мақсадида республика бўйича йил давомида 3803 нафар ногиронга протез-ортопедия маҳсулотлари, 2559 кишига санаторияга, 11840 кишига шифохона ва клиникаларга йўланма ва ордерлар берилиши таъминланди.

Бундан ташқари оғир шaroитда яшаётган 1328 нафар хотин-қизнинг рўйхати тузилди. Рўйхатдагиларнинг 637 нафарига моддий, 351 нафарига моддий ёрдам кўрсатилди. Шаҳар ва туманларда 17859 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланиб, 358 нафар аёлга тадбиркорликни йўлга қўйиш учун «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш» жамоат фонди орқали 11 млрд. 289 млн. 700 минг сўм кредит берилди.

Шунингдек, ишлаш учун хорижга кетиб қайтиб келган 24997 кишининг бандлиги таъминланиб, 20689 нафар

шахс жамоат ишларига жалб этилди. Прокуратура органларининг ёрдами билан 2149 киши ишга жойлаштирилди.

– Болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ишларга ҳам тўхталсангиз.

– Албатта, вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, айниқса, улар ўртасида назоратсизлик, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш барчамиздан жуда катта масъулият талаб қилади. Бу борада прокуратура органлари томонидан доимий назорат ўрнатилган. Ўтган йили вояга етмаганларнинг қонуний манфаатларини қўллаб-қувватлашга 4,9 млн. сўмлик 4 та даъво аризаси киритилди ва 76 нафар боланинг бузилган ҳуқуқлари тикланишига эришилди. Шу билан бирга, болалар қаровсизлиги ва назоратсизлигининг олдини олиш тўғрисидаги қонунчилик ижроси юзасидан ўтказилган текширишлар давомида қўлланган прокурор назорати ҳужжатлари натижасида 50 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилди.



Тўғри, ҳар қандай ҳуқуқбузарлик ёки жиноятни фақат жазо чораларини қўллаш орқали бартараф қилиб бўлмайди. Шу боис прокуратура органлари томонидан бошқа ташкилот ва муассасалар билан ҳамкорликда ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, нотўғри йўлга кириб кетишининг олдини олиш мақсадида қатор мавзуларда танлов ва давра суҳбатлари мунтазам ўтказилиши йўлга қўйилди.

– Ҳозир фуқаролар давлат идораларига ўзларини қийнаётган муаммолар ҳақида тўғридан-тўғри, ҳеч бир тўсиқсиз мурожаат қилиш имкониятига эга. Шу ўринда прокуратура органларига қилинаётган мурожаатлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

– Таъкидлаш жоизки, ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдирини, обрўсини ва албатта қадр-қиммати ётади. Шунинг учун ҳар бир ҳолда жисмоний ва юридик шахсларнинг прокуратура органларига мурожаат этиши учун барча зарур шароитлар яратилган.

Республика прокуратураси органла-

рига ўтган йили жисмоний ва юридик шахслардан жами 21102 та мурожаат келиб тушган. Уларнинг 12728 таси бевосита прокуратура органларида кўриб чиқилди. Шундан 2267 таси қаноатлантирилиб, 2167 кишининг бузилган ҳуқуқи тикланишига эришилди. Рад қилинганларидан ташқари 10391 та мурожаат бўйича тушунтириш берилди. Сайёр ва оммавий қабулларда жами 10214 нафар фуқаро қабул қилиниб, аҳолини анча йиллардан бери қийнаб келаётган муаммоларнинг бартараф этилиши таъминланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси ва халқ қабулхоналари орқали келган мурожаатлар кўриб чиқилиб, 338 нафар шахснинг бузилган ҳуқуқи тикланди.

– Деҳқон ва фермер ҳўжаликларининг қонуний манфаатлари қандай ҳимоя қилинаётгани ҳақида ҳам айтиб берсангиз.

– Аввало, фермер ҳўжаликларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларга ҳуқуқий ёрдам

– 2018 йили Президентимизнинг Қорақалпоғистонга ташрифидан сўнг Бош прокуратура таркибида Мўйноқ туманини ривожлантиришга оид қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси ташкил этилган эди. Бошқарма бугунги кунда қандай ишларни амалга оширмоқда?

– Бош прокурорнинг 2018 йил 19 ноябрь кунги буйруғи билан ташкил этилган Мўйноқ туманини ривожлантиришга оид қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси давлатимиз раҳбарининг тумани комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга оид топшириқлари ўз вақтида бажарилишини таъминлаш борасида қатор ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, уйма-уй юришда аниқланган 7 мингдан ортиқ муаммонинг ҳал қилиниши таъминланди. Хусусан, 667 киши иш билан таъминланиб, 80 нафар ёшлар жун ва ипақдан гилам тўқиш, чилангарлик, ҳунармандчилик, каштачилик ва қуроқ тикиш бўйича ўқитилди. 3904 киши соғломлаштирилиб, 47 нафар ногиронга ижтимоий реабилитация жиҳозлари ва 793 кишига дори-дармон берилди.

Туманда юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш мақсадида барча фуқаролар йиғинларида 22 та сув тозаловчи ускуна ўрнатилди ва аҳоли тоза сув билан таъминланди.

Аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш мақсадида камбағал оилалар ва ёлғиз яшовчиларга 225,3 млн. сўмлик озиқ-овқат ва 400 та парранда тарқатилди. 11 кишига янги уй қуриб берилди.

Бундан ташқари, «Учсой» ОФЙда кўп йиллар фойдаланилмаган 40 ўринли болалар богчаси реконструкция қилинди. «Учсой» ва «Тикўзак» ОФЙдаги иккита спорт майдончаси таъмирланди.

Давлат раҳбари илгари сурган беш ташаббусни амалга ошириш мақсадида «Future Muynak» ўқув маркази ва «Book safe» кутубхонаси ташкил қилинди. Бугунги кунда мазкур марказда 70 нафар ўқувчи таҳсил олмақда.

Бундан ташқари, туман марказида Бош прокуратура ҳисобидан автостанция қурилди. Айни кунда ҳаммом қурилиши якунланиб, фойдаланишга топширилиши кутилмоқда.

Яқиндагина прокуратура органлари ташаббуси билан Мўйноқ тумани мактабларида таълим олаётган 60 нафар ўқувчининг Нукус шаҳрига саёҳати ташкиллаштирилди. Саёҳат давомида ўқувчилар «Ёшлар маркази» биносидан жойлашган «Ёш китобхона» маркази, Нукус юридик коллежидаги ўқиш жараёнлари билан танишиди. Игорь Савицкий номидаги давлат санъат музейига бориб, экспонатларни томоша қилди. Нукусга саёҳат болаларни яхши ўқишга илҳомлантирганига, дунёқарашини кенгайтирганига аминмиз.

Парахат ҲАБИБУЛЛАЕВ
суҳбатлашди

УСТОЗЛАР ТАЖРИБАСИДАН

Юртимизда қадимдан устозга алоҳида эътибор қаратилган, унинг ҳурмати доимо юқори бўлган. Чунки инсон ўзини англаган даврдан бошлаб устозидан ўрганади, маънавий қудрат олади. Устоз ўз мактабини яратмаса, яъни билим ва тажрибасини шогирдларига ўргатмаса, эришган ютуқлари сувга тушган тошдек изсиз йўқолади. Шу боис қатор соҳалар каби прокуратура органларида ҳам устоз-шогирд аънанасини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Шу маънода тизимда узоқ йиллар меҳнат қилиб, бой тажрибага эга бўлган фахрийларнинг фаолиятида юз берган эсда қоларли воқеалар ҳақида ҳикоя қилишни режалаштирдик. Саҳифамизнинг бугунги меҳмони ўнлаб шогирдларнинг устози, «Прокуратуранинг фахрий ходими» кўкрак нишони соҳиби Рустамбек Ҳақимов. У киши айна пайтда Тошкент шаҳар прокуратураси органлари фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази раиси.

1975 йил. Андижон шаҳар прокуратурасида катта терговчи бўлиб ишлаётган даврим. Ёз арафасида рус миллатига мансуб эр-хотин қизлари йўқолиб қолгани ҳақида ариза билан мурожаат қилди. Эртаси куни эса Андижон тумани билан шаҳар ўртасидаги далада 17-18 ёшлардаги қиз боланинг жасади топилди. Ҳодиса жойига масъуллар чиқшиди, ҳолат юзасидан жиноят иши кўзга тилиб, тергов ишлари менга тоширилди. Жасадни кўздан кечирар эканмиз, куч ишлатиш аломатлари сезилмади. Бошидаги жароҳатни демаса, ҳеч нарсага тегилмагани ҳам маълум бўлди. Бундан яқинларидан бирортаси унинг жонига қасд қилган бўлиши мумкин деган хулосага келдим-да, ишни бошладим.

Биринчи навбатда кизи йўқолгани ҳақида ариза берган фуқароларни қақриб, кизни кўрсатдим. Улар фарзандларини шу заҳоти танишди. Шундан кейин марҳумнинг яқинларини бирма-бир қақриб, сўраб-суриштира бошладим. Маълум бўлишича, марҳумнинг ота-онаси «Адвентисти севдмога дня» («Еттинчи кун адвентистлари») сектаси аъзолари бўлиб, бу оқим учун ҳатто жонларидан ҳам кечишга тайёр экан. Қизнинг дугоналари эса марҳум деярли уй кизи бўлиб, унча-мунчага кўчага чиқмаслигини, учрашиб қолишганда ота-онаси уни ҳам сектага аъзо бўлишга мажбур қилишга ётгани ҳақида шикоят қилишини айтиб беришди.

Шундан кейин аввал онаси билан суҳбатлашдим. Ундан жўяли жавоб ололмагач, навбат отасига келди. Эрталабки соат 10 дан кечки соат 5 ларгача юзма-юз ўтириб гаплашдик. Ҳақто тушликка ҳам чиқмадик. Ҳаёти, оиласи, сектадаги ишлари ҳақида сўзлаб берди. Гарчи шунча вақт давомида ҳеч нарсадан хабари йўқдек саволларимга жавоб бериб ўтирган одам тўсатдан айбни бўйнига олди-қўйди. У кизини бир неча йилдан бери сектага аъзо бўлишга мажбур қилгани, ўша куни ҳам шу мавзуда

ота-бола уришиб қолишгани, охири жакли чиқиб, уни далага бошлаб боргани-ю ерда ётган тош билан бошига урганини айтиб берди. Бундан эса фойдаланиб қолиш керак эди. У пайтлар хозиргидек видеокамералар қаёқда дейсиз. Шу заҳоти йигитларга аллақачон хизматини ўтаб бўлган эски камерани олиш ҳамда икки нафар хоски топиб келиш ҳақида топширик бердим.

Кўп ўтмай ҳодиса жойига етиб бордик. Ота кизини каерда урганини кўрсатиб, тошни ҳам отиб юборган жойидан топиб келди. Каттагина тош экан, бир четиде кон излари ҳам бор. Унинг кўрсатмаларини тасвирга олиб, ҳолислар иштирокида расмийлаштирдик.

Аммо эрта қувонган эканмиз. Айбни бўйнига олган қотил эртаси куни ҳаммасидан тонди-қўйди. Бир нима десанг, «Терговчи менга куч ишлатди, мажбур қилди» дея туриб олди. Ваҳоланки, қўлимизда ҳолислар ҳамда қотиллик содир этилган куни ота-бола уйдан бирга чиқиб кетишгани, аммо отанинг бир ўзи қайтиб келганини кўрган қўшнilarнинг тушунтириш хатлари бор эди. Қолаверса, экспертиза тошдаги кон излари марҳумга, бармоқ излари эса унинг отасига тегишли эканлиги ҳақида хулоса берганди.

Жиноят иштини ўрганиб чиққан суд ҳолисларнинг кўрсатмалари ҳамда экспертизанинг хулосасини инобатга олиб, қаёқдаги оқимни дея жондан азиз дилбандининг умрига зомин бўлган отага 15 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлади.

Ушбу воқеадан кейин жиноятни очинида ашъвий далил қанчалар муҳим аҳамият касб этишини, терговчи ўзига тоширилган иш билан танишиш жараёнида айнан шу ҳолатга ҳам алоҳида эътибор қаратиши лозимлигини тушуниб етдим ва фаолиятим давомида доимо шунга амал қилиб келдим.

Гофуржон АЛИМОВ ёзиб олди



Суратда Рустамбек Ҳақимов шогирди, Тошкент шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Улуғбек Муҳсимов билан.

Ёшларни ватанварварлик руҳида тарбиялаш ҳар доим долзарб аҳамиятга эга. Шу боис Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратураси Тошкент ҳарбий округи қўмондонлиги ҳамда Ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар кенгаши билан ҳамкорликда Тошкент шаҳар Олмазор туманидаги 102-заиф эшитувчи болалар мактаб-интернатида ёшлар билан учрашув ўтказди.



МАКТАБ-ИНТЕРНАТДА УЧРАШУВ

Учрашувда ёшларга ватан озодлиги йўлида жасорат кўрсатган буюк аجدоларимиз ҳақида ҳикоя қилинди. Уларга муносиб ворис бўлиш, ватанни ҳимоя қилиш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи эканлиги, бунинг учун мактабда чуқур билим олиш кераклиги уқтирилди.

Шунингдек, йиғилишда ёшларга кўрсатилаётган эътибор, уларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш учун яратилаётган шароитлар, ёшлар маънавиятини юксалтириш ҳамда уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш бў-

йича Ўзбекистон Республикаси Президенти илгари сурган ташаббуслар ҳақида маълумот берилди. Ёшлар ўзларини қизиқтирган саволлар юзасидан батафсил жавоб олинди.

Учрашувдан сўнг мактаб-интернат ёшлари, ҳарбий хизматчилар, аскарлар билан биргаликда худуддаги бог ободонлаштирилиб, мева ва манзарали дарахт кўчатлари экилди.

Сарвар МУХИТДИНОВ, Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокурорининг ўринбосари

ЎҚУВЧИЛАРНИ ИЛҲОМЛАНТИРГАН ТАНЛОВ

Каттақўрғон шаҳар прокуратура-си томонидан вояга етмаганларга оид қонун ҳужжатлари ижроси доимий равишда ўрганиб борилмоқда. Шаҳар мактабларининг 5 – 11-синфларида таҳсил олаётган 9303 нафар ўқувчидан 818 нафари турли асосларга кўра мактаб ички назоратига олинган. Таҳлил қилинганда уларнинг 11 нафари илгари жиноят содир этгани учун, 352 нафари тарбиясидаги ўзгаришлар туфайли, 318 тасининг онласида моддий етишмовчилик бўлгани боис, 37 нафарининг ота-онаси ажрашгани оқибатида маънавий етишмовчиликлар сабабли, 54 тасининг отаси ёки онаси қамалгани ва боланинг тарбиясига масъул шахснинг йўқлиги ҳамда қолган 46 нафари бошқа сабабларга кўра назоратга олингани ойдинлашди.

Бугунги кунга қадар уларнинг қизиқиларини рағбатлантирадиган, ҳаёт йўлини танлашга ёрдам берадиган ишлар олиб борилмаган. Шу боис Каттақўрғон шаҳар прокуратураси ташаббуси билан бу тоифадаги ўқувчилар ўртасида уч йўналиш бўйича «Мен энг яхши, энг жамоатчи, энг фаол ўқувчи бўла оламан» кўрик-танлови ташкил этилди.

18-20 январь кунлари танловнинг биринчи босқичида 818 нафар ўқувчи иштирок этиб, шундан 54 нафари шаҳар босқичида қатнашиш учун саралаб олинди. Мактаб босқичи ғолибларининг барчаси костюм-шим, кофта-юбка ва оқ кўйлақлар билан тақдирланди.

17-19 февраль кунлари танловнинг иккинчи босқичида ўқувчилар «Мен ўқиган китоб», «Мен севган асар» ва



«Ўз истеъдодингни намойиш эт» шартли бўйича баҳслашиб, биринчи ўринни олган уч ўқувчига компьютер, иккинчи ўринни эгаллаган уч ўқувчига телевизор, учинчи ўринни олган уч ўқувчига планшет, шунингдек, ғолиб ўқувчиларнинг ўқитувчиларига тўққизта уяли телефон совға қилинди.

Танловнинг якуний босқичида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов, «Ёшлик» журнали бош муҳаррири Фахриддин Хайит, адабиётшуно олим Адхамбек Алимбеков, астриса Нигина Анорбоева ҳамда «Ёш китобхон» республика танловининг 2018 йилги ғолиби Маҳлиё Ўроқова қатнашиб, ғолибларга шаҳар ҳокимлигининг қимматбаҳо совғаларини ўз қўллари билан топширишди.

Энг муҳими, бу ташаббус ўқувчилар билан бирга ўқитувчилар ва ота-оналарни ҳам жуда қувонтирди.

Шермат ДЖУМАЕВ, Каттақўрғон шаҳар прокурори

Қонунчиликка киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга мувофиқ, энди бола бир вақтнинг ўзида ота ва онасидан алимент ундириши мумкин.

«ҲОЖАТБАРОР» ФИРИБГАР

Йиртқич ҳайвонлар кўпинча ожиз ва ҳолдан тойган ҳайвонларни овлайди. Негаки, осонгина ўлжага эга бўлишни хоҳлайди. Бежиз бу ҳолатни эсламадик. Бугун ораимизда шундай одамлар борки, уларнинг нияти жонини койитмай кимнидир чув тушириб, оиласига ҳаром луқма едиришдир. Улар ниятини амалга ошириш учун кўпинча содда, ишонувчан одамларни танлайди.



FAOLIYATIDAN

ДИРЕКТОРНИ НИМА ЖИН УРДИ?

Фаргона тумани қишлоқ ҳўжалиги ва хизмат кўрсатиш касб-хўнар коллежида ўқувчиларга автомобиль фанидан дарс бериш баробарида амалиёт ҳам ўтилади. Иккита «Тико» ва битта «Дамас» автомобилнинг шиналари яроқсиз ҳолга келиб, амалиёт ўташ имкони бўлмади қолди.

Бу фандан сабоқ берадиган уч нафар ишлаб чиқариш таълими устаси коллеж директори Э.Б.га гўдиракларнинг шиналарини янгисига алмаштириш зарурлигини бот-бот эслатишди. Бунинг учун маблаг ажратилмаганини айтган директорга маслаҳат солишди. Мукофот пулига янги шина оломқчи бўлишди.

Худудий бошқармадаги-лар билан гаплашдим, элик фойзини уларга бериш шарт билан бир миллион сўмдан мукофот пули ажратилишига рухсат олдим, – деди директор ишлаб чиқариш таълими устаси А.Х.га.

– Ҳамкасбларим билан маслаҳатлашиб кўрай, – деди А.Х.

Ҳамкасблари беш юз минг сўмдан кайтариб берсак, шина олгани пул етмай қолади-ку дея хуноб бўлишди. Бироқ директор 50 фойздан камроқ қайтарилишига ҳам кўнмади. Усталар ушбу ноҳақлик хусусида департаментнинг туман бўлимига мурожаат этишди. Коллеж махсус комиссиянинг қарори билан 15 нафар ўқитувчи қатори уларга ҳам 1 млн. сўмдан мукофот пули берилганидан сўнг А.Х. телефонда директор билан боғланди.

У туман ҳокимлигидаги мажлисдан кайтиб келгач, хонасига ортидан кириб пулини берди. Директор пулини санаб сейфига солгач, чиқиб кетди. Э.Б. хонага кириб келган тезкор ходимларга сейфдаги 1 млн. 500 минг сўмни олиб беришга мажбур бўлди.

Элик ёшдан ўтганида нафси йўлдан уриб, фирибгарлик қилган Э.Б.га суд ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлади.

Рахмонали УСМОНОВ, департаментнинг Фаргона тумани бўлими бошлиғи

Дилдора Абдуллаева (исм-фамилиялар ўзгартирилган) 2014 йилда фуқаро Нурбек Мирвоҳидовдан пулини бўлиб-бўлиб бериш шарт билан автомобиль сотиб олади. Аввалига 5600 доллар берган аёл ҳар ойда келишилган пулини бериб боради. Шу тариқа у машинанинг пулидан қутулай деганди. Аммо озгинаси қолганида қандайдир сабабларга кўра бера олмайди. Шундай фурсатни кутиб юрган Н.Мирвоҳидов эса унинг олдига келиб машинасини олиб кўйишни айтади. Хуллас, Н.Мирвоҳидов 16000 АҚШ долларини қайтариб берадиган бўлди. Д.Абдуллаевага 4500 доллар қайтариб беради ва машинани олиб кетиб сотиб юборди. Лекин Н.Мирвоҳидов вадасини унутди. Қолган 11500 долларни бермади.

Шундан сўнг Д.Абдуллаева ички ишлар идорасига ариза билан мурожаат қилишга

мажбур бўлди. Аризага асосан Н.Мирвоҳидовга нисбатан суриштирив бошланди. Аммо иш чўзилди, Д.Абдуллаеванинг пулини ундиришдан дарак бўлмади. Шу орада Одилжон Мухторов пайдо бўлади. У ўзини хавфсизлик органининг собик полковниги деб таништиради. Аёлни ишончига кириш учун Ички ишлар вазирлигида танишлари борлиги, агар тепадан кўнғироқ бўлмаса терговчилар пулини ундириб бермасликларини айтади. Д.Абдуллаева унга ишонади ва бу ишни тезроқ ҳал қилишга ёрдам беришни илтимос қилади. О.Мухторов эса гаплашиб, кейин бу иш қанчага битишини айтаман дея ҳайрлашади.

Орадан бир неча кун ўтгач, О.Мухторов ИИВдаги юқори лавозимда ишловчи танишлари билан гаплашгани ва бу иш 2000 доллар эвазига ҳал қилинишини айтади. Яъни у Д.Абдуллаевани пора беришга кўндирди.

Бу иш жиноят эканлигини англаган Д.Абдуллаева департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармасига ариза билан мурожаат қилади.

2019 йил 14 май куни Тошкент тиббиёт академияси худудида О.Мухторов Д.Абдуллаевадан махсус кимёвий ишлов берилган 2000 долларни олган вақтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан ашёвий далил билан қўлга олинди.

Суриштирив жараёнида О.Мухторовнинг ИИВда ҳеч қандай юқори лавозимда ишловчи танишлари йўқлиги, у Д.Абдуллаевадан пулини фирибгарлик билан оломқчи бўлгани аниқланди.

Суд томонидан О.Мухторовга қилмишига яраша жазо тайинланди.

Абдулхай ХОДЖАЕВ, Бош прокуратура ҳўзуридаги департаментнинг бўлим бошлиғи ўринбосари

НАФС ВИЖДОНДАН УСТУН ЧИҚСА...

Олий таълим тизимида коррупцияга йўл кўймаслик борасида жиддий ишлар олиб борилмоқда. Айрим нопок кимсаларнинг ҳаракатлари фош этилиб, уларга қонуний жазо қоралари кўриляпти.

Анджон давлат университетида ёшларга таълим бериб келаётган Мирзамаҳмуд Сандов университет ховлисида Сожида Салоҳиддиновани учратиб қолди ва ундан бу ерга келиш сабабини сўради. Қиз ҳам ёзда талабаликка зарур ҳужжатларни қабул қилиб олган домлани дарров таниди. Ўқишга киролмаганини, шунинг учун ҳужжатларини қайтариб олиб кетмоқчилигини билдирди. Кутилмаганда Мирзамаҳмуд ундан ўқишга кириш иштиёқидаги бошқа танишлари бор-йўқлигини сўради.

– Бор, – деди Сожида. – Яна бир ўртоғим бор, у ҳам ўқишга кирмоқчи.

Мирзамаҳмуд ҳозир айнан

талабаликка қабул қилиш масаласида ва ўз илмий иши юзасида Тошкентга отланаётганини, агар ором пул берса, пойтахтдаги – Олий таълим вазирлигидаги таниш-билишлари орқали уни ва ўртоғини талабаликка қабул қилинганлар рўйхатида кўштириб келишни билдирди.

Қиз ҳам анавий эмас экан, «Сиз бориб келасизнинг, унча пул топиб кўяман» деди.

Мирзамаҳмудга жон кирди, унинг назарда хар икки абитуриентдан йўмай пул ундириш мумкиндек эди. Бироқ эҳтиёткор домла пулини Сожидадан эмас, бирор эркак танишдан олишини билдирди. Сожида бу ҳолга ажабланса ҳам индамади ва иккиси шу ерда хайрла-

шишди. Қиз бу ҳақда боя тилга олинган ўртоғига ва таниши – ўзи билан бирга ҳўжат топширган ҳамқилиши Анваржон исмли йигитга хабар берди.

Мирзамаҳмуд эсон-омон Тошкентга бориб, Анджонга қайтгач, зудлик билан Сожидага телефон қилди ва унинг тасвирий санъат бўйича сиртки таълим йўналишида ўқнига кирмоқчилигини суриштириб билди. Қиз ўртоғининг ҳам ўқишга кирмоқчи эканини яна домлага эслати. Нафси виждонидан устун келган муаллим иккови жами 7000 АҚШ доллари бериши кераклигини, «юқори»дагилар билан бу масалани пиштириб келганини билдирди ва пулининг ярмини олдиндан, қолганини ўқишга киргандан сўнг беришлари мумкинлигини тушунтирди. Хуллас, улар келишиб, учрашадиган бўлишди.

Кутилганидек, «Жаҳон» буюм бозорига ҳоласи билан

бирга харид учун борган муаллимнинг ҳўзурига нотаниш машина келиб тўхтаб, ундан Сожида ва Анваржон тушиб келди. Фақат хола жиянининг қўлига «ўз оёғи билан келган» 3500 долларни кўриб ажабланди. Мирзамаҳмуд эса «Индамай кўяверинг, бизнинг ўзаро ҳисоб-китобимиз бор» деб изоҳ берди. Бироқ у шу соғнинг ўзидаёқ қонун ҳимоячилари томонидан ушланди.

Суд ҳукми билан М.Сандовга иш ҳақининг 20 фойзининг давлат ҳисобига ушлаб қолиш шарти билан 2 йилу 1 ой озоликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. У икки йил олий таълим муассасасида ишлаш ҳуқуқидан ҳам айрилди.

Нодирбек ИСМОНОВ, департаментнинг Анджон вилояти бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

«САРРОФ»ЛАРНИНГ МИЖОЗИ КИМЛАР?..

Халқимиз «қора бозор» балосидан деярли қутулди.

Фақат қонунни билмайдиган баъзи кишилар ҳамда ишида криминал омиллар бўлган кимсаларгина «сарроф»ларнинг мижози сифатида қолди, ҳолос.

Аминмизки, яқин келажакда бу каби ҳолатларга ҳам чек қўйилади.

Фуқаро Муниса Рафиқова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) автомашина олиш учун бир неча йил пул йиғди. Вақти келиб, бозордан машина оломқчи бўлганида танишлари бозордаги автомобиллар фақат долларга сотилишини айтишди. Шундан сўнг банкка бориб пулини долларга алмаштиромоқчи бўлди. Буни қарангки, шу ерда ҳам айрим «қорчалонлар» уни йўлдан уриб, алдашди.

Нуриддин Илҳомов автомашина олиш ниятида юрган Мунисани анчадан буён танир эди. Ўзаро сўхбатлардан бирида Муниса Нуриддинга бозордан машина оломқчи эканлигини, бунинг учун йиғиб қўйган пулига банкдан доллар олиши зарурлигини билдирди. Қалбида шум режа туғилган Н.Илҳомов эса банкдан бунча доллар сотиб оломаслигини уқтириб, ўзининг хизматини таклиф қилди. У танишлари орқали Мунисага доллар олиб беришини ва нархи ҳам арзон бўлишини айтди. М.Рафиқова унга ишонди. Шу жараёнда Муниса соддалашига бориб, ҳеч бўлмаса банклардан бирига ҳам бориб кўрмади.

Ишни пишитган Н.Илҳомов дарҳол валютафуруш шериғи Садр Насриевга кўнғироқ қилди ва унга «бакуват» мижоз топганини, бу савдодан улуш

ажратишини айтди. Анчадан буён иши юришмаётган С.Насриев дарҳол рози бўлди.

М.Рафиқова Н.Илҳомов билан келишиб олгандан сўнг яна бир таниши билан учрашиб қолди ва гап орасида «сарроф»лардан доллар сотиб оломқчи эканлигини айтди. Яхшиям бу таниши инсофли экан. У Мунисага айни пайтда банкдан ҳоҳлаганча доллар сотиб олиши мумкинлигини, қилаётган иши қонунга ҳилоф эканини, агар қўлга тушиб қолса пулидан ажраб қолишини тушунтирди. Шундан сўнг М.Рафиқова тегишли жойга ариза билан мурожаат қилди.

Келишилган куни икковлон 10 минг АҚШ долларини олиб, Мунисанин олдига боришди. Ундан сўмни олиб долларни берган пайтда департамент ходимлари томонидан қўлга олинди.

Бир фуқарони ноқонуний савдога ундаган икки валютафуруш устидан суд ҳукм ўқиди. Н.Илҳомов ва С.Насриевга икки йил озоликни чеклаш жазоси тайинланди.

Нодирбек УБАЙДУЛЛА-ЗАДЕ, департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси бўлим инспектори



КАМОЛОНЛИК КЕЛИНЧАК УЗОҚ ЙИЛГА ҚАМАЛДИ

Бир неча ой аввал интернетдаги ижтимоий тармоқларда тўрт ойлик келиннинг қилмиши ҳақида хабар тарқалди. Ўзига тўқ оилага келин бўлган, ўқимишли, обрўли даргоҳда раҳбар бўлиб ишлаётган йигитга ёр бўлган ёшгина аёлнинг қотилликка қўл ургани кўпчиликни ғазаблантирди.

Бу воқеани турли оммавий ахборот воситалари турлича изоҳлади. Аслида келинчакнинг бир ёстиққа бош қўйган жуфти ҳалолни ўлдиришига нима сабаб бўлган эди? Телефон, интернет балоси деб кўп гапириляпти. Бу фожиага ҳам аини шу фактлар сабаб бўлган. Аиниқса, интернетдаги турли ижтимоий тармоқлар аини кунда кўпчиликни эс-ҳушидан айириб, турли кўнгилсизликларга сабаб бўлмоқда.

Пойтахтимизнинг Камолон маҳалласида яшовчи Абдувосиқовлар оиласида 2019 йилнинг август ойида келин бўлиб тушган Камолахонга қайнота-қайнонаси жуда яхши муносабатда бўлишиди. Атрофида гирдикапалак бўлиб, келин эмас, қиздек кўришиди. Турмуш ўртоғи ҳам уни эъозлади. Ҳатто унга қимматбахо телефон совға қилди. Ташқаридан қаралганда, Камолахон келин бўлиб тушган хонадон аини қизларими; орзу-сидаги жой десак аниқлашмаймиз. Аммо келинчак шукур қилмади. Телефонни орқали интернетга кириб, «Инстаграм» ижтимоий тармоғи орқали тўйида тушган расмларни тарқатиб юборди. «Телеграм» тармоғи орқали эса турли шахслар билан гап сотиб ўтиришни одат қилади.

Унинг бу ишларидан хабар топган турмуш ўртоғи Аббос Абдувосиқов но-розилик билдиради. Тўйининг расмлари ижтимоий тармоқларда тарқалганидан жазо чиқади. Аёлнинг кўлидан телефонини олиб қўйиб, Камолахоннинг «Телеграм»даги суҳбатдошларини бирма-бир кузатади. Лекин шу куни уларнинг ҳаммаси билан танишиб чиқишга вақт камлик қилади. Аинан тармоқдаги турли андишасиз суҳбатлар сабаб Аббос турмуш ўртоғига телефондан фойдаланишни тақиқлайди. Ўзи совға қилган телефонни олиб қўяди. Гап орасида «Телеграм»даги барча ёзишма ва суҳбатлар билан танишиб чиқишини айтади. Бу гапдан кейин эса Камолахоннинг пайта-васига қурт тушди. Сабаби у тўйдан олдин ишқий муносабатда бўлган йигити билан анча «нозик» мавзуларда суҳбатлашиб, турли расмлар жўнатиб турарди. Турмуш ўртоғи бу суҳбатларга гувоҳ

бўлган, аммо тармоқдаги «тарих»ни варақлаб чиқишга улгурмаганди. Телефон рақами турмуш ўртоғининг номида бўлгани боис рақамни қайта тиклаш мумкин эди. Мақсади эса рақамни тиклаб, унга уланган «Телеграм» тармоғидан шармандали «тарих»ни ўчириб ташлаш эди. Бунга эришди ҳам, аммо хаёти аввалгидек давом этмади. Тинчгина ажрашиб кетса бўларди, лекин ажримдан кейин бўлиши қутилаётган шармандали гап-сўзлар уни қабиҳликка ундади.

Турмуш ўртоғини ўлдириш режасини тузган Камолахон Абдувосиқова ёрдамга 23 ёшли жияни Отабек Ҳақимовни чақиради. 2019 йилнинг 4 октябрь куни К.Абдувосиқованин ёрдамида жияни барвақт уйга келиб яшириниб олади. А.Абдувосиқов ишдан келиб, овқатланади ва ювиниб чиқиб, диванга ёнбошлайди. Бу вақтда соат тунги ўн иккидан ошганди. Камолахоннинг ишораси билан О.Ҳақимов кутилмаганда олдиндан тайёрлаб қўйилган дазмол шнурни билан Аббосни бўга бошлайди, жонҳолатда кўчага талпинганида эса К.Абдувосиқова ёрдамга келади ва ёстиқни олиб турмуш ўртоғининг юзига босади. Жони узилганига ишонч ҳосил қилишгандан сўнг эса марҳумга тегишли иккита «iPhone» ва битта «Samsung» русумли телефон аппаратларини, тилла тақинчоқлар ва 600 АҚШ долларини жиянига бериб, уни уйдан чиқариб юборди. Кейин эса уйни бетартиб ҳолатга келтириб, гўё бу ерда босқинчилик бўлгандай ваҳима кўтаради.

Хуқуқ-тартибот идоралари ходимлари гўл эмаски, унинг «ортак»ларига ишониб кетаверинса. Тергов жараёнида бу ишларни қилгани ошкор бўлди. Эртаси куни О.Ҳақимов ҳам қўлга олинди. Ундан ашёвий далиллар топилди. Икки ёш режалаштирилган қотилликка иқдор бўлишиди. Суд К.Абдувосиқовага 13 йилга 4 ой, О.Ҳақимовга эса 20 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаб хукм чиқарди.

Диёр ОДИЛОВ,
Бош прокуратура бошқарма катта прокурори



САРХУШ САЁҚ САРГУЗАШТИ

Суд мажлисида маҳалла вакиллари, қўни-қўшнилари бу оилани зиёли, ўзига тўқ оила сифатида билишини, эр-хотиннинг иккаласи ҳам олий маълумотли эканини қайта-қайта таъкидлашди. Аммо нега шундай таъриф тавсифларга муносиб кўрилган оила бошлиғи ўғирликка қўл уриб, юзи шувут бўлиб ўтирибди?!

Жиноят ишлари бўйича Қарши тумани судининг маҳалла фуқаролар йиғинларидан бирида ўтказилган очик суд мажлисида Адхам Муродовга (исм-фамилиялар ўзгартирилган) оид жиноят иши кўрилди.

Қайд этилишича, судланувчи 1990 йилда туғилган. Олий маълумотли. Қашқадарё вилоятидаги нуфузли корхоналардан бирида ишлади. Оилали, икки нафар фарзанди бор. Қарши туманида ишайди.

Ўша тунда Адхам танишининг тўйидан кайфи тарак ҳолатда қайтди. Вақт алламаҳал бўлиб қолганди. Ётоғига кириб ухламоқчи бўлди. Анча маҳалгача ухломасдан тўлғаниб ётди. Қўшни хонадан кичик фарзандининг безовта бўлиб йиғлагани эшитиларди. Роса ичган экан ўзим. Кўнгли айниб, ташқарига отилди. Анча пайтгача кўчада сайр қилиб юрди...

Бундай пайтда одамлар одатда мени нима жин урди, ўзим ҳам билмадим дея ўзини оқлашга ҳаракат қилишди. Хуллас, сайр асносида нафс ичкаридан хуруж қилиб келди. Ичкилик кайфи бу хуруж оловига сепилган мой бўлди...

Адхам атрофга олазарақ боқиб, маҳалладошининг ҳовлиси деворига тирмашди. Ҳовлидан секин юриб бориб, ичкарига қулоқ солди. Ҳеч қандай товуш эшитилмади. Уй эгалари ухлаб қолишгандир дея эшикни очиб, ичкарига кирди. Тимирскиланиб, ҳамма жойини титкилай бошлади. Бир пайт қўлига илашган аёллар сумкаси ичидан бир пачка ўн минг сўмлик топиб олиб, чўнтагига қолди. Иккинчи хонадан топгани аёллар сотати бўлди. Юқорига кўтарилди. Иккинчи каватдаги ётоқхонадан қимматбахо телефонни олди...

Уйига қайтгач, дуқиллаб ураётган юраги товушидан деворлар зириллаб кетаётгандай туюлаверди. Саросима ичида ўлжаларини яшириб, ётоғига ҳам етиб бормай, шундоққина ерда ухлаб қолди...

Агар бу одам ичкилик таъсирида ўғирликка қўл урди десак, эртаси куни

кайфи таркагач, нима иш қилиб қўйганини англаган, маҳалладошидан узр сўраб, ўғирлаган нарсаларини қайтариб берган, иш судгача етиб бормасдан ярашиб кетишган бўлармиди?!

Бироқ Адхам бундай қилишни ҳаёлга ҳам келтирмади. Ўғирланган 1 миллион сўмни ишлатиб юборди. Телефонга эса ўзининг сим картасини қўйиб олди... Ўғирлиги фош бўлганида эса айбни яна ароққа тўнади. Агар ичкиликнинг тили бўлганида унга нега эртаси куни қилган хатоларининг тўғриламадинг деган бўлармиди?!

Суд мажлисида гувоҳларнинг кўрсатувлари ҳамда бошқа бир қатор далиллар орқали Адхамнинг мазкур жинояти тафсилотларига ойдинлик киритилди. Маълум бўлишича, у маҳалладоши Мастура Қодированин уйдан 1 миллион сўм пул, 1 миллион 350 минг сўмлик соат ва 2 миллион 500 минг сўмлик телефонни ўғирлаган.

Жабранувчилар уларнинг оёйишталлигини бузган судланувчининг кечирмасликларини айтиб, унга қонуний жазо берилишини талаб қилишди. Адхамни қўшнилари, маҳалладошлари, маҳалла оқсоқоли ёқланди. Қолаверса, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши вакили унга қафил бўлди.

Шуларни ҳисобга олиб, суд Адхам Муродовга энг кам ойлик иш ҳақининг 105 баравари миқдорда жарима жазоси тайинлади.

Жабранувчиларга етказилган моддий зарар қоплангани қайд этилди. Бошқа моддий ва маънавий зарарларни ўндириш юзасидан келгусида низо чиқса, тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда фуқаролик ишларини судда юришти тартибида мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилди.

Ҳа, тунда сархуш бўлиб саёқ юрган кимсанин саргузашти шу тарзда яқун топди.

Алишер МИРЗОЕВ,
Қарши тумани прокурори

Ўзбекистонда хусусий бандлик агентликларига хорижга ишга кетаётган фуқаролардан пул ўндириш тақиқланиши кўзда тутилмоқда.



«Ихтиро» учун жазо

шаҳар бўлими тезкор ходимларни вазиятни ўрганганда Ғулом Ҳотамов ўғли электр ҳисоблагични тўхтатиб қўядиган, бироқ хонадонда электр энергияси ўлмаслигини таъминлайдиган пулт ихтиро қилганини тан олган. Ноқонуний қилмиш давлатга ва оила бюджетига 14 млн. 240 минг 924 сўм зарар етказишига сабаб бўлган.

Мажбурий ижро бюросининг Сирдарё вилояти бошқармаси тезкор ходимлари Гулистон шаҳри «Намуна» МФЙ Халқлар дўстлиги кўчасида жойлашган «Kamronbek jobabek nur» МЧЖга қарашли автомашиналарни ювиш шохобчасида ҳам тезкор тадбир ўтказди.

Энергия ресурсларидан фойдаланишнинг қонунийлиги юзасидан ўтказилган текширишда тадбиркор электр тармоғига уланган ҳисоблагич ичига кўз илғамас ҳолда электр таъминоти ҳисобига таъсир этувчи, пулт билан бошқари-

ладиган чип ўрнатиб, электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиб келаётгани фош этилди.

Суриштирув давомида МЧЖ раҳбари А.Йўлдошев таъминотчи корхонага 23 млн. 74 минг 605 сўм зарар етказгани аниқланди.

МЧЖ раҳбари сарфланган электр учун тўланадиган пулни тежаш мақсадида электр ҳисоблагични яширин равишда пулт билан бошқариб келганини тан олган.

Олиб борилган терговга қадар текширувда ҳуқуқбузарлар ўз қилмишидан пушаймонлигини билдириб, етказилган зарарни қоплаган.

Кашфиётчилар бу иқтисоридан эл-юрт манфаати йўлида фойдаланганда мамлакат тараққиётига озгина бўлса ҳам ҳисса қўшган бўлар эди.

Ахрорбек АРЗИЕВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги
МИБ бўлими бош инспектори

Мажбурий ижро бюроси органлари ўтказётган тезкор тадбирларда энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатлари ҳам учраётди. Масалан, МИБ Марғилон шаҳар бўлими давлат инспектори Роҳат маҳалласи Билим кўчасида яшовчи истеъмолчи Ғулом Ҳотамовга (исм-фамилиялар ўзгартирилган) тегишли хонадонда электр ҳисоблагич ишламаётганини аниқлаган.

Истеъмолчи бу ҳолатга эътироз билдира олмасдан ўғлини чақирган ва шу пайт электр ҳисоблагич тасодифан ишлаб кетгани инспекторда шубҳа уйғотган. Бюронинг Марғилон

Оиласи бахтиёрлар ҳар жойда бахтиёрдир

Бола дунёга келгандан сўнг унга чиройли исм қўйиш, тарбиялаш, уйлантириш, уй-жойли қилиш ота-она учун ҳам қарз, ҳам фарз эканлигини яхши биламиз. Аммо ҳамма ҳам бундай масъулиятни ҳис қила олмас экан.

Ўтган йили бюронинг барча туман ва шаҳар бўлиmlарида алимент ундиришга оид ишлар бўйича 21148 нафар қарздор ва ундирувчи билан ўтказилган суҳбатлар натижасида 1194 та оилани яраштиришга эришилди, меҳнат ярмаркаларида бир қанча қарздорлар ишга жойлаштирилди ва қарздорлардан 16 млрд. сўмдан ортиқ алимент пули ундирилиши таъминланди. Масалан, фуқаролик ишлари бўйича Тайқон туманлараро судининг ижро ҳужжатига асосан Н.Ғафоровдан З.Мамасодиқовага вояга етмаган уч фарзандининг моддий таъминоти учун ҳар ойдаги даромадининг иккисидан бир қисми миқдоридан алимент ундириш белгиланган.

Ўрганиш натижасида қарздорнинг номида 2009 йилда ишлаб чиқарилган «Ласетти» автомашинаси борлиги аниқланди. Машина «Elektron baholash» МЧЖ томонидан 56 млн. 857 минг сўмга маҳоланиб, «Е-йго аукцион» ягона электрон савдо байдончасида сотилди ва сотувдан тушган пулдан 37 млн. 920 минг сўми З.Мамасодиқованинг пластик картасига ўтказиб берилди.

Ҳаётда оталик бурчини унутиб қўйган, фақат ўзини ўйлайдиган оталар ҳам бор. Хусусан, алимент тўлашдан икки ой мобайнида бўйин товлаб келган 376 кишига нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47^а-моддаси билан кўзгатишган маъмурий ишлар судлар томонидан кўриб чиқилиб, қарздорларнинг барчасига маъмурий қамоқ жазоси қўлланди.

Мингбулоқлик Баҳромжон Чўтанов шу кунга қадар икки марта турмуш қурган. Бироқ ҳар икки турмуш ўртоғи билан ажрашади. Фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро судининг 2014 йил 22 августдаги ҳамда 2015 йил 8 майдаги буйруғига кўра ундан Дилдора Хусановага бир нафар, Умида Эгамовага эса икки нафар фарзанди учун алимент ундириш белгиланган.

Мазкур ижро ҳужжати бю-

Шунингдек, маъмурий жавобгарликка тортилгандан сўнг ҳам алиментни тўлашдан бўйин товлаб келган 74 нафар қарздорга нисбатан жиноят иши кўзгатишди. Улар орасида қарздор А.Суяров ҳам бор. Фуқаролик ишлари бўйича Каттақўрғон туманлараро судининг қарорига кўра у И.Курбоновага бир фарзанди учун ҳар ойдаги даромадининг тўртдан бир қисми миқдоридан алимент тўлаши белгиланган. А.Суяров алимент тўламагани сабабли Каттақўрғон тумани маъмурий судининг қарори билан 15 суткага қамалган. Бироқ маъмурий қамоқ жазосини ўтаб чиқиб ҳам вояга етмаган фарзандини моддий таъминлашдан бўйин товлаб келиши оқибатида қарзи 19 млн. 966 минг сўмга етган. Мазкур ҳолат юзасидан бюронинг Каттақўрғон тумани бўлими томонидан А.Суяровга нисбатан жиноят иши кўзгатишди.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Юқоридаги каби ноқуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида аҳоли ўртасида 837 марта тарғибот тадбири ўтказилди.

Бу йил ҳам жамоатчилик иштирокида ажримларни камайтириш, оилаларни яраштириш бўйича тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказилмоқда.

Абдулло САТТОРОВ,
МИБ Самарқанд вилояти
бошқармаси бўлими инспектори

ронинг Мингбулоқ тумани бўлими иш юритувиغا олинган, фуқарога алиментни ўз вақтида тўлаб бориши лозимлиги тушунтирилган. Бироқ у алимент тўлашдан бўйин товлаб келди. Охири 2019 йилнинг 27 июнь кунинг Мингбулоқ тумани маъмурий суди унга МЖТКнинг 47^а-моддасига асосан маъмурий қамоқ жазосини тайинлаган.

Аммо Б.Чўтановга бу жазо ҳам қор қилмади. 2015 йил май ойидан 2019 йил 1 декабрга қа-

дар У.Эгамовага 19 690 311 сўм, 2014 йил август ойидан 2019 йил 1 декабргача Ш.Хусановага 28 884 717 сўм алиментни тўламасдан, ёрдамга муҳтож фарзандларини таъминотсиз қолдирди.

Мазкур ҳолат юзасидан унга нисбатан жиноят иши кўзгатишди.

Турсунали НИЯЗОВ,
МИБ Мингбулоқ тумани бўлими
суриштирувчиси

Мажбурий ижро бюросининг Андижон вилояти бошқармаси мурожаатлар билан ишлашда қонунийликни таъминлашга жиддий эътибор қаратиб келмоқда.

Ҳуқуқлари тикланди

2019 йилда бошқарма ва унинг туман-шаҳар бўлиmlарига жисмоний ва юридик шахслардан 16322 та мурожаат келиб тушган. Уларнинг 14408 таси бевосита бюро томонидан кўриб чиқилиб, ҳал этилган. 136 таси ҳал қилиш учун бошқа муассасаларга, 739 таси қўйиш тизимларга юборилган, 990 та мурожаат дубликат деб топилди, 2020 йилга 329 та мурожаат қолдиқ бўлиб ўтган.

Ҳал этилган 14408 та мурожаатнинг 5796 таси қаноатлантирилган, 8609 таси бўйича ҳуқуқий тушунтириш берилган, 2 тасини қаноатлантириш рад этилган. 5794 кишининг бузилган ҳуқуқларини тиклаш билан бирга суд ҳужжатлари асосида 5,4 млрд. сўмдан зиёд маблағни ундиришга эришилган.

Хусусан, «Гулчехра-Анд» хусусий корхонаси раҳбари Ф.Курбоннинг суд қарори асосида Андижон шаҳар ҳокимлигидан тоvon пули ундиришга ёрдам бериш ҳақидаги мурожаатини ўрганиб чиқиш давомида 2019 йил 7 ноябрда қарздордан 96 млн. сўм ундириб берилди.

Шунингдек, жиноят ишлари бўйича Асака тумани судининг 2019 йил 29 ноябрдаги «Imperial granit group» МЧЖдан жабрланувчининг қонуний вакили Б.Долимовга 14 270 000 сўм моддий ва 10 000 000 сўм маънавий зарарни ундириш ҳақидаги ижро ҳужжати юзасидан йўллаган мурожаати бўйича қарздордан 24 270 000 сўм зарар ундирилиб, Б.Долимовнинг 28 декабрдаги аризасига кўра пластик картасига ўтказиб берилди. Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Бундан ташқари, ўтказилаётган сайёр қабулларда фуқароларнинг муаммоларини ўрганишга, ҳудуддаги ижтимоий-сиёсий вазият, аҳолининг кайфияти, бюро органлари ходимларининг фаолиятига ҳам эътибор қаратилмоқда.

Шерзодбек АРАББОЕВ,
МИБ Андижон вилояти бошқармаси катта инспектори

Лафз унутилса...

Жиноят ишлари бўйича Учтепа тумани судининг 2019 йил 2 октябрдаги ижро варақасига асосан қарздор М.О.дан ундирувчи Н.А.га 235000 АҚШ доллари ҳамда М.М.га 20000 АҚШ доллари ундириш ҳақидаги ижро иши бюронинг Учтепа тумани бўлимига келиб тушган эди. Ижро ҳаракатлари давомида қарздорга тегишли мулкларни аниқлаш мақсадида тегишли ташкилотларга сўров юборилди.

Қарздорнинг мулккий аҳолини ўрганиш мақсадида у яшаган хонадон кўздан кечирилди. Қарздор Жиноят кодексининг 168-моддасида кўрсатилган жиноятни содир этгани учун жазони ижро этиш муассасасида жазо муддатини

ўтаётгани сабабли унинг оила аъзоларига етказилган зарар қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазо қўлланилмади тушунтирилди.

Бюронинг Учтепа тумани бўлими томонидан кўрилган чоралар ўлж самарасини берди. 2020 йилнинг январидан қарздор М.О.нинг оила аъзолари томонидан Н.А.га 235000 АҚШ доллари (ундирув кундаги курс бўйича 2 244 428 600 сўм) ҳамда М.М.га 20000 АҚШ доллари (ундирув кундаги курс бўйича 191 015 200 сўм) тўла-ниб, зарар тўлиқ қопланди.

Умирбек ЖУМАНИЕЗОВ,
МИБ Тошкент шаҳар бошқармаси
катта инспектори

Тома-тома кўл бўлди

Нишон тумани «Нишон» МФЙда яшовчи фуқаро Х.Д. туман маъмурий судининг қарорига кўра вояга етмаган фарзандларини моддий таъминлашдан бўйин товлагани учун МЖТКнинг 47^а-моддасига асосан 15 суткага қамалган бўлса-да, бундан хулоса чиқармади.

Х.Д. уч фарзандининг моддий таъминоти ҳақида бош қотирмади. МИБ ходимларининг оғохлантиришларига қарамасдан бирор марта ҳам алимент тўламади. 2019 йил 27 декабрга қадар унинг қарзи 105 млн. 68 минг сўмга етган.

Мазкур ҳолат юзасидан бюронинг Нишон тумани бўлими томонидан жиноят иши кўзгатилиб, суриштирув олиб борилмоқда.

Тумандаги Талимаржон шаҳарчасида яшовчи М.М. ҳам икки фарзандининг моддий таъминоти учун 2019 йил 27 декабрга қадар 63 млн. 257 минг сўм алимент пулини тўлашдан бўйин товлаб келгани учун унга ҳам жиноят иши кўзгатишди.

Рухиддин ШАРИПОВ,
МИБ Қашқадарё вилояти бошқармаси катта инспектори



1953 йилнинг 9 июли. Рио-де-Жанейронинг «Ботафого» стадиони майдони ортда 20 ёшли Мануэл юраги ҳаяжонга тўлганча, машҳур футболчиларнинг машғулоти томоша қилиб турарди. Уни бу ерга «Ботафого»нинг собиқ ўйинчиси Арати олиб келган эди. Арати Паугранди шахрига борганида, Гарринчанинг финтларини кўриб, ўзининг собиқ мураббийи Жентил Кордозага уни синиб кўришни тавсия этди.

МАНУЭЛ ГАРРИНЧА КИМ ЭДИ?

Машғулотлар ниҳоясига етгач, Гарринча мураббий ишораси билан аста-секин майдонга чиқа бошлади. Бирдан стадионни тўлдириб ўтирган мухлислар орасида кулгу кўтарилди (Бразилияда машғулотларда ҳам стадион тўла бўлади). Чунки бу бола ҳеч ҳам футболчига ўхшамасди. Гарринчанинг бир оғи иккинчидан 8 сантиметр калта бўлгани боис узун оёғини қийшайтириб юрарди. Узини кулгудан тўхтатишга ҳаракат қилган мураббий жиддий қийфага кирди ва Гарринчадан қайси нуқтада ўйнашга одатланганини сўради.

– Менга ўнг қанот ҳужумчиси бўлиб ўйнаш ёқади, – дея жавоб берди у. Мануэлнинг ўйинини кўриш Бразилиянинг машҳур чап қанот ярим ҳимоячиси Нилтон Сантосга топширилади. Бир неча дақиқадан кейин стадионда юз берган ҳолат, айниқса, Нилтоннинг ёдидан бир умр чиқмайдиган бўлди. Унинг ўзи бу ҳақда шундай дейди:

– Ҳамма янги келган ўйинчининг устидан куларди, мураббий уни синиб кўришимни тайинлади. Гарринчага тўп оширилди. Мен тўпни олиб қийиш учун у томон югурдим. У икки оёғим ўртасидан тўпни ўтказиб, бирдан ғойиб бўлди. Орқасидан югурмоқчи бўлиб, мувозанатни сақлаб олмай, оёғим осмондан бўлиб йиқилдим. Мануэл эса ҳеч нарсага эътибор бермай, қолганларни ҳам бемалол алдаб кетаверди.

Машғулотдан сўнг кийиниш хонасида Нилтоннинг стадиондаги ҳолатидан дўстлари кулишди. Шу пайт массажчи Гарринчага пичирлади:

– Биласанми, бугун кимни кулгуга қўйганингни? Бу ахир, Нилтон-ку! Агар у хафа бўлса, сени ўйинчилик у ёқда турсин, ҳатто кир ювувчиликка ҳам олишмайди.

Мануэл елка қисди: “Мен буни билмагандим. Пауграндида доим Жоани алдаб юрардим, лекин у ҳеч ҳам хафа бўлмаган-ку!”

Нилтон хафа бўлмади. Аксична, клуб президентига уни зудлик билан жамоага олиш кераклигини айтди. Шундай қилиб, Мануэл Гарринчанинг спорт биографияси бошланди. Гарринча ўзининг бетакорр ўйинчи эканини бутун дунёга намойиш этди. Деярли ҳеч бир учрашув унинг голисиз ўтмасди. 1960-йиллар бошларида Гарринча Бразилиянинг машҳур ўйинчиси Пеле билан қийслашиб, ҳатто ундан ҳам яхши футболчи дея тан олинди.

Дунёнинг энг биринчи ҳужумчиси сифатида танилди.

Гарринча ўйинларнинг бирида жуда қаттиқ жароҳат олди. Шифокорлар артроз деб тахшиқ қийишди ва у уч ой қимирламадан даволанишини айтишди. Бироқ шартнома тўзиб қийилгани сабабли футболчи оғриқ қолдирувчи укол-дорлар таъсирида майдонга тушишига мажбур бўлди. Уйиндан сўнг Гарринчанинг аҳволи баттар оғирлашди. Шундан сўнг Гарринча уч йил футболни соғиниб яшади. Уйлаб-уйлаб охири ўртоқлик учрашувларида ўйнашга қарор қилди. Бу оддий ўртоқлик учрашуви бўлгани учун билет бор-йўғи 30 минг уса босилганди. Лекин мухлислар севишли ўйинчилари майдонга тушишини эшитиб, ҳар томондан ёғилиб кела бошлашди. “Билет қолмади!” деб ўқираётган полиция ходимлари оломон томонидан суғуриб ташланди.

Ва ниҳоят, Гарринча футбол билан бутунлай хайрлашишга мажбур бўлди. Бир пайтлар у ҳақда “Халқ қувончи” номли фильм яратилган бўлса, энди газеталарда “Алвидо, Гарринча!”, “Кечир, Гарринча!”, “Раҳмат, Гарринча!” ва ҳатто “Гарринча ўлди” деган сарлавҳалар билан мақолалар босиларди. Бора-бора нашрлар ҳам бу номни баътамом унутдилар.

Гарринча ҳеч қачон футбол ортидан шон-шухрат, бойлик орттиришни ўйламаган. Гарчи унга машина, уй, банкда ҳисоб рақами каби тоғтоғ ваъдалар беришган бўлса-да, буларнинг ҳеч бири амалга оширилмади. Футболчи айтилганидан кам пулга қанот қилар, пешона тери билан тоғланларини фақат ўзига ишлатмасди.

Бир куни Гарринча кредитга овқатландиганлар бариға кириб, барнинг ҳўжайинини чақиради ва қарздорларнинг рўйхатини сўради.

Ҳеч нарсага тушунмаётган ҳўжайин қўлидаги рўйхат билан унга юзланади. Футболчи чўнтагидан бир ўрам пул чиқариб, йўқсилларнинг барча қарзларини тўлайди.

Йиллар ўтиб, камбағаллик ва кимсасизликда вафот этган Мануэл Гарринчани ҳўжайин мухлисларига кўзда ёш билан сўнгги манзилга кузатдилар. Бир пайтлар халқ қувончига айланган футболчининг ҳайати ана шундай яқун топди.

Норбўта ҲОЗИЕВ тайёрлади

ТОМОШАБИНЛАРСИЗ ЎЙИН ҚАНЧАГА ТУШАДИ?

Коронавирус эпидемияси спорт мусобақаларига ҳам жиддий таъсир ўтказаяётганидан хабардор бўлсангиз керак. Футбол мусобақаларининг томошабинларсиз ўтказилиши эса клубларнинг чўнтагига зарар келтирмоқда.

Айтилик, кейинги ҳафтада «Барселона» клуби Европа чемпионлар лигаси доирасида «Камп Ноу»да «Наполи» жамоасини қабул қилади. Мазкур ўйин 90 минг мухлисни ўз бағрига оладиган стадионда томошабинларсиз ўтказилади.

«Барселона» клуби президенти Жозеп Бартомеунинг маълум қилишича, ўйинга то-

мошабинлар қўйилмаслигидан каталон клуби 6 миллион евро зарар кўради.

Зарар кўраётган фақатгина «Барселона» эмас. Клубнинг ҳар жаҳдадаги рақобатчиси “Реал”да ҳам шунга ўхшаш муаммо. Негаки Испания чемпионатининг навбатдаги 2 та тур бахслари бўш стадионда ўтказилиши ҳақида қарор қабул қилинган. Аксична олиб, Мадрид жамоаси чемпионатнинг кейинги икки турини ўз майдонида ўтказиши керак эди.

Бундан ташқари Франция чемпионати ўйинлари 15 апрелгача мухлисларсиз ўтказиладиган бўлди. Франция профессионал футбол лигаси шундай қарорга келди.

Эслатиб ўтамиз, коронавирус туфайли Италия чемпионати тўхтатиб қўйилган.



Иличич Месси ва Роналдудан кейин

Бундан буён бирон-бир футболчи эришган юксак натижа Месси ва Роналдудан кейинги рекорд сифатида қайд этилса ажабланмаймиз. Чунки бу икковлон футбол тарихидаги барча кўрсаткичларни янгилаб юборди.

Кеча Европа чемпионлар лигаси 1/8 финали доирасида Италиянинг «Аталанта» клуби Испанияда «Валенсия» жамоаси меҳмони бўлди. Дастлабки учрашувда 4:1 ҳисобида ғалаба қозонган Италия клуби меҳмонда кечган ўйинда ҳам 4:3 ҳисобида устун келди. Икки ўйин натижасига кўра «Аталанта» «Валенсия»ни 8:4 ҳисобида таслим қилди.

Эътиборга молик жиҳати, Италия клуби ҳужумчиси Йосип Иличич «Валенсия» дарвозасига иккита ўйинда бешта гол урди. Бу орқали 32 ёшли ҳужумчи ЕЧЛ тарихига кирди. Иличичдан олдин фақат икки футболчи ЕЧЛнинг иккита ўйиндан иборат плей-оффда бештадан кўпроқ гол урган.

2011-2012 йилги мавсумда «Барселона» вакили Лионел Месси «Байер» дарвозасига олтига, Криштиану Роналду эса «Реал» сафида 2016-2017 йилги мавсумда «Бавария» дарвозасига бешта гол урганди.

Ўзбекистон Лига кубогига қўшни давлатлар жамоалари ҳам қатнашади

Хабарингиз бор, 2019 йили Ўзбекистонда Лига кубоги мусобақаси ташкил этилди. Жорий йилдан мазкур мусобақада қўшни мамлакатларнинг жамоалари ҳам қатнашиши мумкинлиги эълон қилиниб, ЎФА бу борада Тожикистон, Туркменистон ва Қирғизистон футбол федерацияларига хат юборган эди.

Ўзбекистон профессионал футбол лигасининг маълум қилишича, Лига кубоги мусобақасининг 2020 йилги мавсумида Қирғизистон ва Тожикистондан тўрттадан жамоа қатнашадиган бўлди. Қирғизистоннинг «Дордой» (Бишкек), «Олой» (Ўш), «Абдишопта» (Кант) ва «Қаганат» (Ўш) клублари қатнашишини тасдиқлаб расмий хат юборди. Шунингдек, Тожикистоннинг «Хўжанд» (Хўжанд), «Регар-ТожАЗ» (Турсунзода), «Кўктош» (Рудаки) ва «Истаравшан» (Истаравшан) жамоалари ҳам Лига кубогига иштирок этишини тасдиқлади.



Қайд этиш жоиз, қўшни мамлакатлар жамоаларининг ўзаро тўқнашувлари ўзбекистонлик, кирғизистонлик, тожикистонлик мухлисларнинг катта қизиқишига сабаб бўлиши тайин. Шунингдек, халқаро мусобақалардан четда қолаётган клублар учун ҳам бундай учрашувлар тажриба мактаби бўлиши мумкин.

Лига кубоги иштирокчи мамлакатларнинг ҳакамлари, комиссарлари, инспекторлари учун ҳам муҳим. Улар халқаро ўйинлар орқали ОФК мусобақалари учун дастлабки тайёргарлик босқичидан ўтиш имконига эга бўлади. Бунда тил муаммоси деярли кўзга ташланмайди.

Алоҳида ургу бериш лозимки, мазкур мусобақада келаси мавсумларда Марказий Осиёнинг қолган мамлакатлари жамоалари ҳам қатнашиши кутилмоқда. Бу билан биз Туркистон жамоаларини бирлаштириб турувчи клублар мусобақасига эга бўламиз, САФА мамлакатлари ўртасидаги муносабатлар янада илқлашади.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди